

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“КАСБ ТАЪЛИМИ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

2-МЖ-10 гуруҳ талабаси
АТАМИРЗАЕВА ЖАМИЛА АЛИШЕРОВНА
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Қурилишда ишлаб чиқариш потенцилидан фойдаланиш муаммолари ва уларни яхшилаш йўллари (Янгикўрғон туман “Мурод ўғли Малик” МЧЖ мисолида)

Илмий раҳбар:

и.ф.н. Т.Дадабоев

Наманган-2014

Аннотация

Атамирзаева Жамиланинг Алишеровнанинг «Қурилишда ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш муаммолари ва уларни яхшилаш йўллари» (Янгиқўрғон туман «Мурод ўғли Малик» МЧЖ мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишида Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва унинг ривожланиб бориши, Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамияти иқтисодий фаолияти ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдаги ўрни, Модернизация жараёнларида Ўзбекистонда маҳаллий хом ашёлар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўналишларининг аҳамияти очиб берилган. Ушбу битирув малакавий иши кириш, 3 та боб хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий иш кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долбзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг илмий янгилиги кўрсатилган ҳамда ишнинг амалий аҳамияти асослаб берилган.

Биринчи боб «Ўзбекистонда маҳаллий хом-ашёлар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва унинг ривожланиб бориши» деб аталди. Бобда қурилишда ишлатиладиган маҳаллий хом-ашё материалларининг умумий тарихи, таснифи ва халқ хўжалигидаги аҳамияти назарий асослаб берилган. Ўзбекистонда қурилиш соҳасининг ривожланиши тўғрисида мулоҳаза юритилган. Шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз кучайган даврда Ўзбекистон шароитида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва реал секторни ривожлантириш тўғрисида фикрлар берилган.

Иккинчи боб «Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамияти иқтисодий фаолияти ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдаги ўрни» деб номланди. Унда Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий жиҳатдан бошқарилиши ва мазкур корхонанингнинг иқтисодий фаолияти ҳамда бу корхонада маҳаллий хом-ашёлар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва ундаги муаммолар тўғрисида мулоҳазалар юритилган.

Учинчи боб «Модернизация жараёнларида Ўзбекистонда маҳаллий хом ашёлар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўналишлари» деб юритилди. Ушбу бобда маҳаллий хом-ашёлар асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ қурилишини молиялаштириш ҳамда имтиёзли кредитлаш масалалари кўтариб чиқилган. Шу билан бирга модернизация жараёнларида қурилишнинг моддий-техник базаси ва қурилиш хом-ашёсини ишлаб чиқариш истикболлари ифода этилган.

МУНДАРИЖА

Кириш

1-боб. Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва унинг ривожланиб бориши

- 1.1. Қурилишнинг хусусиятлари ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли
- 1.2. Қурилишда ишлатиладиган маҳаллий хом-ашё материалларининг умумий тарихи, таснифи ва халқ ҳўжалигидаги аҳамияти
- 1.3. Қурилишнинг моддий-техник базаси ва унинг тараққиёт истикболлари

2-боб. Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамияти иқтисодий фаолияти ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдаги ўрни

- 2.1. Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий жиҳатдан бошқарилиши
- 2.2. Янгиқўрғон туманидаги “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг иқтисодий фаолияти
- 2.3 “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий хом-ашёлар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва ундаги муаммолар

3-боб Модернизация жараёнларида Ўзбекистонда маҳаллий хом ашёлар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўналишлари

- 3.1. Маҳаллий хом-ашёлар асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ қурилишини молиялаштириш ҳамда имтиёзли кредитлаш
- 3.2. Модернизация жараёнларида қурилишнинг моддий-техник базаси ва қурилиш хом-ашёсини ишлаб чиқариш истикболлари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Президенти И.Каримовнинг ўз маърузалаида таъкидлаганидек: “...юртимизда қабул қилинган 2011-2015-йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2013-йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида бунинг яққол кўриш мумкин”¹.

Наманган вилоятида қурилиш соҳасидаги корхоналарда олиб борилаётган ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бу эса қурилиш тармоғининг шиддат билан ривожланишига олиб келмоқда. Маҳаллий хоа-ашё асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ҳам жиддий эътибор берилдики, бунинг билан вилоят миқёсида олиб борилаётган йирик қурилиш ва ободонлаштириш ишларини тобора кенгайиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Аммо бу жараёнлар давом этмоқда.

“Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, яъни ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтириш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада... қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади”¹.

Маҳаллий хом-ашё асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш имкон қадар кенг ривожлантирилмоқда. Чунки бу соҳа бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ижобий таъсир кўрсата олади. Энг муҳими қурилишларни амалга ошириш учун ишлатиладиган маҳсулотларнинг сифат даражасига эътиборнинг кучайтирилганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Биз таҳлил этган Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятида ҳам ислохотларга мос саъй-ҳаракатларнинг амалга оширилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу корхона маҳаллий шароитларда қурилиш соҳасининг ривожланишига ўзининг жиддий ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунга қадар бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиндики, бунинг натижасида иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари кўтарилмоқда.

Бу эса корхоналарни иқтисодий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатиб, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш жараёнларини тезлаштиради. Биз танлаган мавзу шу нуқтаи назардан ўта долзарбдир.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий хом-ашё асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва бу соҳани ривожлантиришга доир муаммолар таниқли иқтисодчи олимларидан ҳисобланган С.Фишер, Р.Дорнбуш, П.Самуэльсон ва К.Ховардларнинг илмий асарларида қайд этилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги марузаси «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 18 январь.

Россиялик иқтисодчи олимлардан А.И.Рофе, А.Л.Жуков, М.Ю.Гасанов, Е.А.Соколов ва бошқаларнинг бу соҳага оид тадқиқотларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда қурилиш соҳасини ривожлантиришга доир масалаларни ўрганиш билан боғлиқ фундаментал-назарий ва амалий ишлар И.А.Каримовнинг бир қатор асарларида келтирилган. Шунингдек, Т.Эргашев, Э.Махмудов, М.Исаков каби олимлар асарларида ёритилган.

Бироқ, айнан Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятида мисолида маҳаллий хом-ашё асосидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳолати ўрганилмаган ва унинг жузъий масалалари бўйича ҳали ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Ўрганилаётган муаммонинг кенг кўламлилиги битирув малакавий иш мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларни белгилашга олиб келди.

Тадқиқотнинг мақсади бозор иқтисодиёти шароитида Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ундан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари асосида ушбу мавзунинг ёритиш юзасидан илмий-амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ечими ҳал этилди:

- қурилишда ишлатиладиган маҳаллий хом-ашё материалларининг умумий тарихи, таснифи ва халқ ҳўжалигидаги аҳамиятини назарий асослаш;
- Ўзбекистонда қурилиш соҳасининг ривожланишини ифода этиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз кучайган даврда Ўзбекистон шароитида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва реал секторни ривожлантириш тўғрисида мулоҳазалар юритиш;
- Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий жиҳатдан бошқарилишини тадқиқ этиш;
- Янгиқўрғон туманидаги “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш;
- “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий хом-ашёлар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва ундаги муаммоларни аниқлаш;
- маҳаллий хом-ашёлар асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ қурилишини молиялаштириш ҳамда имтиёзли кредитлаш тўғрисида фикр юритиш;
- модернизация жараёнларида қурилишнинг моддий-техник базаси ва қурилиш хом-ашёсини ишлаб чиқариш истикболларини ифода этиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятининг амалдаги бошқарилиш ҳолати хизмат қилди.

Тадқиқот предмети сифатида ушбу корхонада маҳаллий хом-ашё асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг амалдаги жараёнлари танланди.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодий сиёсатида оид асарлари; қурилиш ва саноат соҳасини ривожлантиришга доир Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари; қурилишни тармоғини ривожлантириш бўйича чет эллик ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий асарлари; республика миқёсида нашр этилаётган иқтисодий йўналишдаги журналлар ва рўзномалар ташкил этади.

Тадқиқотлар жараёнида Наманган вилояти статистика бошқармасининг ҳамда Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ҳисоботлари маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: қурилиш қорхоналарида маҳаллий хом-ашё асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш бўйича битирув малакавий иш доирасида бажарилган ишлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- қурилиш тармоғида фаолият кўрсатаётган корхоналар фаолиятини яхшилашда;
- тумандаги барча коллеж ва бизнес мактабларида қурилиш соҳасини ривожланиши тўғрисида иқтисодий йўналишдаги фанлардан бир қатор мавзуларни ёритишда кенг фойдаланиш мумкин;

Битирув малакавий иш кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долбзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг илмий янгилиги кўрсатилган ҳамда ишнинг амалий аҳамияти асослаб берилган.

Биринчи боб **“Ўзбекистонда маҳаллий хом-ашёлар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва унинг ривожланиб бориши”** деб аталди. Бобда қурилишда ишлатиладиган маҳаллий хом-ашё материалларининг умумий тарихи, таснифи ва халқ хўжалигидаги аҳамияти назарий асослаб берилган. Ўзбекистонда қурилиш соҳасининг ривожланиши тўғрисида мулоҳаза юритилган. Шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз кучайган даврда Ўзбекистон шароитида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва реал секторни ривожлантириш тўғрисида фикрлар берилган.

Иккинчи боб **“Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамияти иқтисодий фаолияти ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдаги ўрни”** деб номланди. Унда Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий жиҳатдан бошқарилиши ва мазкур корхонанинг иқтисодий фаолияти ҳамда бу корхонада маҳаллий хом-ашёлар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва ундаги муаммолар тўғрисида мулоҳазалар юритилган.

Учинчи боб **“Модернизация жараёнларида Ўзбекистонда маҳаллий хом ашёлар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўналишлари”** деб юритилди. Ушбу бобда маҳаллий хом-ашёлар асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ қурилишини молиялаштириш ҳамда имтиёзли кредитлаш масалалари кўтариб чиқилган. Шу билан бирга модернизация жараёнларида қурилишнинг моддий-техник базаси ва қурилиш хом-ашёсини ишлаб чиқариш истикболлари ифода этилган.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида бажарилган илмий тадқиқот ишининг умумий натижалари ва битирувчининг бу мавзуга оид аниқ фикрлари асосидаги хулосаларига кўра таклифлар берилган.

I-боб. Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва унинг ривожланиб бориши

1.1. Қурилишнинг хусусиятлари ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли

Қурилиш - асосий моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан биридир. У миллий иқтисодиётда учинчи (саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин) ўринда туради. Қурилиш маҳсулоти - барча турдаги ишлар бўйича тугалланган ва ишга туширишга тайёр бўлган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари, шунингдек, амалдаги корхоналарнинг кенгайтирилиши ва қайта таъмирланиши, уларда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозланишидир.

Уй-жой муаммоларининг ечими батамом қурилиш зиммасига юклатилади. Президенти И.Каримовнинг ўз маърузалаида таъкидлаганидек: "... юртимизда қабул қилинган 2011-2015-йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2013-йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металл қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин"¹.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2013 йил 4 январдаги "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил Дастури тўғрисида"ги ПҚ-1902-сонли қарорига асосан Наманган вилоятида 2013 йилда 11 та туманда 34 массивларда 700 та намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилиши режалаштирилган.

Амалга оширилган ишлар натижасида 700 та ёки 97,4 минг кв.м. ҳажмида турар-жой уйлари фойдаланишга топширилиши таъминланди.

Наманган вилоятида 2013 йил дастуридаги қишлоқ массивларида йўл қурилиши режаси 19,575 км, объект қиймати 7482,9 млн сўм бўлиб, 654,3 млн сўмлик ишлар яъни 0,780 км асфальтлаш (Наманган туманидаги Қурама массиви) ҳамда 17 км йўл асосини шағаллаш ишлари бажарилди. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида Қурилиш ишлари бажарилиши 114,6 фоизга ўсишга эришилди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4499,9 млн сўмлик кўп қурилиш ишлари бажарилди

Қурилиш ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва миллий иқтисодиётни комплекс юксалтиришда катта роль ўйнайди. Бу тармоқда жамғариш фондининг тахминан учдан икки қисми амалга оширилади, Мамлакат ялпи ижтимоий маҳсулотининг 10 фоиздан кўпроқ қисми яратилади. Қурилишнинг миллий хўжалик микросидаги аҳамияти ва етакчи роль ўйнашига яна бир сабаб шуки, у аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлайди, фан-техника ва ижтимоий тараққиётнинг жадаллашишига, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишига имкон яратади.

Қурилиш, моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида, аввало ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характери, яъни унинг кўчмаслиги, ўлчамлари катталиги,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги марузаси «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 18 январь.

серқирра ва мураккаблиги билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эгадир. Курилиш маҳсулоти кўп меҳнат ва капитал сарф-ҳаражатларни талаб қилади, уни ишлаб чиқариш цикли узоқ муддатлидир, яъни уни ишлаб чиқаришга соат ёки дақиқа эмас, балки ҳатто 10, 20 кундан ҳам кўп вақт талаб қилинади. Шунингдек, курилишда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва меҳнат предметлари ўзига хос турда ва таркибда бўлишидан ташқари, улар ҳаракатланувчи ҳам бўлади.

Ишлаб чиқариш циклига қараб курилиш маҳсулотининг шакли ва тайёрлиги турлича бўлади.

Тайёр курилиш маҳсулоти - бу курилган ва буюртмачига белгиланган тартибда топширилган асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларидир (корхоналар, электростанциялар, шахталар, уйлар, мактаблар, шифоналар ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш объектлари). Курилиш маҳсулоти ўзининг эксплуатация мақсадидан ташқари такрор ишлаб чиқариш функциясини ҳам бажаради ва халқ хўжалигининг асосий фондларини янгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тугалланмаган курилиш ва тугалланмаган курилиш ишлаб чиқаришини тайёр курилиш маҳсулоти билан адаштириб юбормаслик керак. Уларнинг ҳажми курилиш-монтаж ташкилотларининг ва бутун тармоқ иқтисодиётининг фаолиятига катта таъсир кўрсатади.

Курилиш тармоғи курилатган объектларнинг характери ва мақсадига қараб бир неча қуйи тармоқларга: саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, уй-жой, маданий-маиший курилиш ва бошқаларга бўлинади. Бундай бўлиниш эса ўз навбатида курилишда ихтисослашувни чуқурлаштириш ва курилиш қувватларини шакллантиришга хизмат қилади ҳамда у ёки бу тармоқ иқтисодиётини ривожлантириш учун керак бўлади.

Саноат курилиши - мавжуд саноат корхоналарини кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник қайта жиҳозлаш ҳамда янгиларини қуриш, шунингдек, ёрдамчи саноат ишлаб чиқаришларини қуришдир. Масалан, машинасозлик ва металлургия заводларини қуриш, нефть, газ, кимё ва бошқа саноат тармоқлари корхоналарини қуриш. Саноат курилиши кўп жиҳатдан индустриалаштиришнинг кўлами ва суръатларини, техник тараққиёт даражасини белгилаб беради.

Қишлоқ курилиши - қишлоқ жойларидаги янги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондларини яратиш, уларни қайта таъмирлаш ёки кенгайтириш билан боғлиқ курилишлардир. Қишлоқ курилишига сув хўжалиги, ирригация, мелиоратив ва бошқа курилиш турлари ҳам киради.

Уй-жой курилиши - янги уй-жойлар, ётоқхоналар, ётоқ корпуслари, болалар уйлари ва қария ҳамда ногиронлар уйлари қуришдир. Аҳолининг жамғармалари ва давлатнинг қўллаб-қувватлаши ҳисобига куриладиган шахсий уй-жойларни қуриш ҳам уй-жой курилиши таркибига киради.

Маданий-маиший курилиш - коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, бошқариш органлари тизимларига қарашли янги объектларни қуриш ва амал қиладиганларини таъмирлашдир.

Курилиш оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, жамиятнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун зарурдир. Аммо курилиш, халқ хўжалигининг бир тармоғи сифатида ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётининг фақат энг юксак поғоналаридагина, ижтимоий меҳнат тақсимооти жараёнида вужудга келади.

Сўнгги йилларда фан-техника тараққиёти таъсири остида курилиш ишлаб чиқаришида сифат ўзгаришлари юз бермоқда, улар замирида эса курилишнинг бино ва иншоотларни саноатда тайёрланган ва тайёрлик даражаси юқори бўлган деталлар ва бўлақлардан йиғишдан иборат узлуксиз механизациялашган жараёнга айланиши ётади.

Курилиш ишлаб чиқаришининг характери ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Оғир кўл меҳнати йирик ва майда механизация воситалари томонидан тобора сиқиб чиқарилмоқда. Қурувчи-монтажчиларнинг курилиш майдонларидаги меҳнати индустриал меҳнатнинг бир турига айланиб бормоқда. Курилиш ишлаб

чиқаришининг техник жиҳозланганлик даражаси ортиб борган сари, жонли меҳнат сарфлари камайиб, енгиллашиб боради, бундан ташқари, унинг унумдорлиги ортади, қурилишнинг муддатлари қисқариб, унинг сифати яхшиланиб боради.

Қурилиш комплекси - пудратчи қурилиш ва монтаж ташкилотлари, уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар, қурилиш материаллари, деталлари ва конструкциялари ишлаб чиқарувчи корхоналар мажмуасидир. Қурилиш комплекси таркибига қурилиш фани (меъморчилик, техник, иқтисодий ва бошқалар), қурилишни лойиҳалаштириш, бевосита қурилиш ва унинг моддий-техник базаси киради.

Қурилишнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинлари - бу қурилиш бошқармалари, монтаж бошқармалари, қурилиш-монтаж бошқармалари (СМУ - ҚМБ), кўчма механизациялашган колонналар (ПМК - КМК) ёки ихтисослашган механизациялашган колонналар (СПМК - ИМК), уй-жой ва завод қуриш комбинатлари (ДСК, ЗСК – УЖҚК – ЗҚК), пардозлаш ишлари бошқармалари, кўприк қурилиши отрядлари, ишга тушириш-созлаш бошқармалари ва ҳоказолардир. Уларнинг кўпчилигига бошқарувнинг юқори поғонаси сифатида тегишли трестлар бошчилик қилади. Ҳозирги пайтда, ҳукуматимизнинг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ, хусусий қурилиш фирмалари тармоғини ташкил қилиш ва ривожлантириш, қурилишни бир-икки поғонали бошқарув тизимига ўтказиш масалалари илгари сурилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қурилишнинг қуйи ишлаб чиқариш бўғинлари баъзан саноатдаги завод ёки фабрикалар бажарадиган ишлаб чиқариш функцияларини бажармоқдалар. Айнан шу ташкилотлар асосий қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарадилар ва шу тариқа капитал қурилиш олдига қўйилган асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш вазифаларини биринчи бўлиб бажарадилар. Шунинг учун қурилишнинг халқ хўжалигининг бир тармоғи сифатидаги фаолиятининг кўрсаткичлари ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу бирламчи қурилиш ташкилотларининг фаолиятидаги муваффақиятларга боғлиқдир.

Нафақат қурилиш ташкилотларининг, балки буюртмачилар, лойиҳалаш муассасалари, материаллар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчи корхоналарнинг фаолияти ҳам қурилиш маҳсулотининг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқдир. Қурилиш ишлаб чиқариши иштирокчиларининг мана шундай кўпчилиги қурилишнинг фарқ қилувчи жиҳати бўлибгина қолмай, балки баъзан қурилиш ишининг тўлиқ муваффақиятли бўлмаслигига сабаб ҳам бўлиб қолади. Ушбу иштирокчиларнинг ҳеч бўлмагандан биттаси ўз мажбуриятларини бажармаса, қурилиш ишлаб чиқариши мароминининг бўзилишига, объектларни фойдаланишга топшириш муддатларининг кечикишига, натижада қурилиш суръатларининг пасайишига, миқдорий ва сифат кўрсаткичларнинг ёмонлашишига олиб келади. Шунинг учун ҳозирги кунда капитал қурилиш соҳасида учрайдиган баъзи муаммолар, камчилик ва нуқсонлар фақат қурилиш ташкилотлари самарадорлигининг етарли даражада эмаслиги оқибати эмас, балки инвестиция жараёнини ташкил қилиш ва бошқаришнинг турли босқич ва поғоналарида вужудга келаётган салбий ҳолатларнинг таъсиридир.

1.2. Қурилишда ишлатиладиган маҳаллий хом-ашё материалларининг умумий тарихи, таснифи ва халқ хўжалигидаги аҳамияти

Миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бу – қурилишдир. Қурилиш инсон ҳаётида зарур соҳалардан бўлиб, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва уларни халқ хўжалигида ишлатишнинг ўзига хос тарихи бор. Бугунги кунда саноат ва уй-жой қурилишининг кун сайин ўсиб бориши қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда.

“Бугунги кунда аҳолини ҳар томонлама шинам ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш, уй-жой массивлари атрофидаги инфратузилмаларни обод қилиш юзасидан

олиб борилаётган улкан ишлар одамларнинг кайфияти ва дунёкарашига, уларнинг ҳаёт сифатига қандай кучли таосир кўрсатаётгани ҳақида ортиқча сўз юритишнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Бу ўринда гап биринчи навбатда қишлоқларимиз аҳолиси ҳақида бормоқда. 2014-йилда 388 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 11 мингта намунавий уй-жой барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги, “Қишлоқ қурилиш банк” ва “Қишлоқ қурилиш инвест” компанияси шу йилнинг феврал ойидан кечиктирмасдан жорий йил дастури бўйича молиялаштиришни бошлаши, март ойида эса уй-жойларни қуриш ишларини бошлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кўришлари даркор”¹.

Энг қадимги ва кўп тарқалган маҳаллий қурилиш хом-ашёларидан бири бу – гил ҳисобланади. Гил қурилиш материали сифатида инсоният тараққиётининг бошланғич давридаёқ ишлатилган. Вақт ўтиши билан, инсон гилдан ҳар хил шаклдаги буюмлар тайёрлашни ва уларнинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида уни қуриш ҳамда қуйдиришни ўрганган. Мухандислик иншоотлари учун – гил, тош, ёғоч тўсинлар, турар жой учун – камиш шохлари ва бошқалар кўплаб ишлатилган. Ахмад ал-Фарғонийнинг юбилейига тайёргарлик жараёнида олиб борилган археологик қазилмалар 2,5 минг йил аввал Қува шаҳрида шиша буюмлар ишлаб чиқариш кенг тараққий этганлигини кўрсатди.

Боғловчи моддаларнинг бундан 4-5 минг йил аввал сўньий йўл билан ҳосил қилинганлиги маълум. Миср, Греция, Рим ва Вавилонда оҳак қоришмаси ва гидравлик қўшимчалардан тайёрланган бетон иншоотлар қадимги вақтлардан ҳозирги давргача сақланиб келмоқда. Бундай иншоотларнинг ички ва ташқи қисмини безашда металл чиқиндиларидан ясалган нақшдор қошинли буюмлар ишлатилган. Миср ва Месопотамия бундан 5-6 минг йил аввал ясалган шиша буюмлар топилган.

Бинокорлар ўртасида аста-секин ғишт терувчилар, тош тарошлар, оҳак тайёрловчилар ва бошқа касб усталари ажралиб чиқди. Шаҳар деворлари, миноралар, масжид ва касрлар (масалан, Бухоро, Самарқанд, Хива ёдгорликлари) каби иншоотлар қурилиш материаллига бўлган эҳтиёжини оширган.

Эрамиздан олдинги 4 асрда қўйилган қадимги Хоразм чор атрофи қалин деворлар билан ўраб чиқилган 4 та цилиндрсимон минорадан иборат. Минораларнинг усти текис қилиб ишланган. Бундай иншоотларни қуришда қўшилмалар билан ганч қоришмалари ва гил тупроқдан пиширилган япалак ғишлар ва табиий тошлар ишлатилган.

Қоришма тайёрлашда ўзбек қурувчилари хилма-хил қўшилмалардан кенг фойдаланганлар. Жумладан, вулқон шишаси, оқ гил, хайвон қони, тухум сариғи, суяк елими, ширали моддалар вазифасини ўтаган.

Самарқандаги Улуғбек мадрасаси, Қўқондаги Худоёрхон саройини қуришда бундай қоришмалар билан бирга чанг-ғишт қоришмасидан ва оҳак-ғишт қоришмасидан иборат бетонлар кўп ишлатилган.

Ўн тўққизинчи асрнинг ва йигирманчи аср бошларида эса цемент саноати тез тараққий эта бошлади.

Цементнинг ихтиро қилиниши бетон хоссаларини яхшиланишига, биноан, қурилиш техникасида янги давр очилишига олиб келди. Гидротехник иншоотлар қуриш зарурияти сувга чидамли боғловчи моддалар излаб топишни талаб этса, темир бетон конструкцияларининг қурилишда кенг портландцементнинг янги, тез қотувчи,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ” Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги марузаси «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 18 январь.

мустаҳкам турларини яратиш эҳтиёжи туғилди. Цементнинг ер ости ва ер усти шур сувлар таъсирида бузилиши аниқлангач, бу борадаги тадқиқотлар натижасида янги цемент тури – сульфатга чидамли портландцемент ихтиро қилинди.

Охириги 70 йил мобайнида маҳаллий шароитларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бир неча марта ортди. Маҳсулотнинг сифати яхшиланди, ассортиментни кўпайди ва янги технологик усуллар жорий қилинди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида мустақил республикамизни халқ хўжалигини ривожланишида қурилиш материалларининг аҳамияти жуда катта. Республикамизда қурилиш индустриясига ажратилган маблағларнинг қарийиб 60 % қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга сарфланади. Бу эса қурилиш материалларининг қурилиш индустриясидаги салмоғи қандай эканлигини яққол кўрсатади. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, қурилиш индустриямизни ёғоч ва металл материалларга бўлган эҳтиёжи ортди. Шунинг учун бу материалларни тежаб тергаб фойдаланишни тақозо қиланади.

Ҳозирги маҳаллий шароитда қурилишни индустриалаш ва миқёсларини кенгайтириш маҳаллий қурилиш хом-ашё материалларини ишлаб чиқаришни умумий ҳажмида тайёр қурилиш материаллари улушининг ортишига олиб келади. Заводда юқори даражада тайёр буюмлар ва деталлар кўринишидаги қурилиш материалларининг ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилиши меҳнат унумдорлиги ўсишига, нархи арзон бўлишига ва капитал қурилиш сураатларини тезлаштиришга ёрдам беради.

Маҳаллий шароитдаги қурилиш хом-ашё материалларининг хиллари кенг ва турли-туман. Одатдаги хом-ашё материаллар – керамика, табиий ва тош материаллар, шиша ва бошқалар билан бир қаторда ҳозирги қурилишда пластмассалардан тайёрланган янги қурилиш материалларидан кенг фойдаланилади.

Бино ва иншоотлар қуришда биринчи навбатда маҳаллий қурилиш материаллари (кум, шағал, оҳак, гипс ва бошқалар) дан фойдаланиш керак, бунда бу материаллар нархининг анча кўп қисмини ташкил қилган транспорт харажатлари қисқаради. Қурилиш материаллаини арзонлаштиришда саноат чиқиндиларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Маҳаллий қурилиш материаллари саноати учун хом ашё сифатида асосан табиий тоғ жинслари, нефт ва газ маҳсулотларидан фойдаланилади. Республикамизда бундай материал ресуслари етарлича. Шунинг билан бирга, қурилиш материаллари саноатида хом ашё сифатида металлургия, химия ва энергетика саноати чиқиндиларидан ҳам кенг миқёсда фойдаланилади.

Бундай чиқиндиларга, металлургия шлаклари, ТЭЦ куллари, фосфогипс, борогипс, нефелин шламлари ва бошқалар киради. Саноат чиқиндиларидан фойдаланиш қурилиш материалларини таннарини пасайтириш, уларни сифатини оширишга олиб келади. Булардан ташқари атроф муҳит экологиясини яхшилашга, чиқиндилар эгаллаб ётган ерлардан самарадор фойдаланишга ёрдам беради.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда кўп миқдорда чиқинди газлар ва чанг ажралиб чиқади. Бўларни атмосферага туғридан - тўғри чиқариб ташлаш атроф муҳитни ифлослантиришга, заводни санитар-гигеник ҳолатини ёмонлаштиришга олиб келади. Шунинг учун қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи заводлар турли чанг йиғувчи ва газ тозаловчи ускуналар билан жиҳозланган бўлиши керак. Бундай жиҳозлар сифатида чанг чўктириш камералари, циклонлар, енгли фильтр ва электрофилтрлардан фойдаланилади.

Маҳаллий қурилиш хом-ашё материаллари саноатини ривожланиши асосан фан техника тараққиётига, илғор замонавий технологияларни қўлланилишига боғлиқ. Айниқса ҳозирга бозор иқтисодиёти даврида янги самарадор қурилиш материаллари яратиш, маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиш, материалларини сифатини ошириш, янги самарадор технологик жараёнларни яратиш республикамиз

фанининг асосий йўналишларидир. Бу соҳаларда Республика олимлари катта ишлар олиб бормоқдалар.

Жумладан, Қурилиш соҳасидаги илмий текшириш ва лойиҳалаштириш институтида цемент ишлаб чиқаришни янги технологияси яратилди, химия - технология институтида фосфогипсдан цемент ва гипсли боғловчилар олиш устида иш олиб боришмоқда. Архитектура - қурилиш институтида етук олимлар раҳбарлигида ғўзапоё ва электрофосфат тошқоли асосида арболит материали, бетонга турли эффектив қўшимчалар, янги полимер материаллари олиш туғрисида илмий ишлар олиб бормоқдалар.

Институтимиз олимлари эса Наманган ҳудудида жойлашган саноат қорхоналари чиқиндиларидан самарадор қурилиш материаллари яратиш соҳасида илмий ишлар олиб бормоқдалар. Жумладан, Фарғона вилоятида ҳам бундай ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган ва фойдаланилаётган қурилиш материаллари жуда ҳам кўп ва хилма хилдир. Шунинг учун улар маҳлум гуруҳларга бўлиниб таснифланади. Қурилиш материалларни икки хил таснифга эга:

1. Материалларни ишлатилиш соҳасига қараб. Масалан, деворбоп материаллар, полбоп материаллар ва хоказо. Маҳаллий материалларни бундай таснифлаш асосида ўрганиш катта кийинчилик туғдиради. Чунки бир гуруҳга ишлаб чиқариш технологияси, хом-ашёси ва хоссалари ҳар хил бўлган материаллар кириши мумкин.

Қурилиш материаллари умумий ишларига (цемент, бетон, ёғоч материаллар) ва махсус ишларга мўлжалланган (акустик, иссиқлик изоляцияси, ўтга чидамли материаллар) материалларга бўлинади.

Тайёргарлик даражаси бўйича қурилиш материаллари шартли равишда қурилишнинг ўз материалларига ва қурилиш буюмларига-қурилиш жойида бинога монтаж қилинадиган тайёр деталлар ва элементлар (темир-бетон панеллар, санитария-техник хоналари, эшик ва дераза ромлар ва шу кабилар) га бўлинади.

2. Материалларни ишлаб чиқариш технологияси ва ишлатиладиган хом-ашё турига қараб.

Масалан: Минерал боғловчи моддалар, сопол материаллари, ёғоч материаллари, бетон ва темир бетон буюмлари ва бошқалар. Материалларни бундай таснифлаш асосида ўрганиш анча қулай, чунки бир гуруҳга кирувчи материалларни ишлаб чиқариш технологияси ҳам ишлатиладиган хом-ашё ҳам бир бирига яқин.

Маҳаллий шароитларда фойдаланиладиган қурилиш хом-ашё материаллари келиб чиқишига қараб табиий ва сунъий бўлади. Қурилиш хом-ашё материалларини техник хоссаларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

– *пластик материаллар* - куч, температура ёки сув таъсирида қайта ишланиш хусусиятига эга бўлган материаллар (гил, битум, мис, кўрғошин ва ҳк.)

– *эластик материаллар* - унга таъсир этаётган куч олингандан сўнг ўз шаклига қайтадиган материаллар (резина, пўлат, ёғоч)

– *мўрт материаллар* — таъсир этаётган куч натижасида ўлчами ва шаклини ўзгартирмайди бузилиш хоссасига эга бўлган материаллар (шиша, чўян, ғишт ва бошқалар.)

– мустаҳкам — гранит, темир, ёғоч.

– мустаҳкамлиги паст — чиғаноқтош, сомон, хом ғишт.

– каттиқ - чуян, шиша, гранит.

– юмшоқ. - ёғоч, кўрғошин, битум.

– сув, кислота, ишқор, иссиқ-совуқ ҳамда физик-кимёвий жараёнлар таъсирида чидамли- (клинкер, пластмассалар) ва чидамсиз (хом ғишт) материаллар;

– *изоляция материаллари-иссиқлик* ўтказмайдиган (минерал пахта, жун, ғовакли асбест буюмлар)

- *Товушни ютувчи*-(пемза, қатламли шиша пахта, фибролит).
- *гидроизоляциян*-(битум, рубероид).
- *электроизоляциян*-(резина, чинни, мрамор) хоссаларга эга бўлган материаллар.

Миллий иқтисодий ривожланишида қурилиш соҳасида маҳаллий хом-ашё материалларидан унумли фойдаланиш ва уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялар асосида амалга ошириш чоралари тобора кенг қўлланилмоқда. Шундай экан, қурилиш соҳасидаги сифат кўрсаткичларида сезиларли юксалиш юзага келганлигини ҳам алоҳида қайд этиш керак.

1.3. Қурилишнинг моддий-техник базаси ва унинг таракқиёт истикболлари

Қурилиш моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида фақат маҳсулот ишлаб чиқарибгина қолмай, балки бунинг учун у ёки бу турдаги ресурсларни истеъмол қилади ёки фойдаланади ҳам. Мавжуд маълумотларга кўра, қурилиш материаллари саноати маҳсулотларининг 80 фоизи, ёғоч материалларининг тахминан ярми, металл прокатининг 20 фоиздан кўпроғи, машинасозлик саноати маҳсулотларининг 10 фоиздан кўпроқ қисми қурилишда фойдаланилади. Қурилиш харажатлари таркибида транспорт сарф-харажатларининг қиймати 20-25 фоизни ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, қурилишга халқ хўжалиги тармоқларининг деярли барчаси хизмат кўрсатади.

Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришда қурилиш материаллари саноати алоҳида ўрин тутди. Бу тармоқдаги корхоналар цемент, оҳак, гипс, ғишт, шиша, қоплама ва иссиқлик ўтказмайдиган материаллар, турли тўлдирмалар ишлаб чиқаради.

Қурилишнинг материаллар, конструкциялар, техникалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан тўла таъминлаш кўп жиҳатдан тармоқлараро алоқаларнинг мукамаллиги ва янада ривожлантирилишига боғлиқдир. Бу эса, одатда, ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро балансида ва маҳсулотнинг халқ хўжалигидаги тақсимоотида акс этади.

Иқтисодийда буйруқбозлик, марказлашган бошқарув ва режалаштириш тизимидан бозор тизимига ўтилиши, хўжалик субъектларига қурилишни ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар очиб берди, бунда ҳудудий бошқарув органларининг роли кучайиб бормоқда. Аммо бу қурилишнинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ўз-ўзидан, стихияли равишда юз беради, дегани эмас. У қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва жойлаштириш ҳамда унинг ресурслар билан тўла таъминлаш илмий тамойилларига мос бўлиши лозим.

Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва жойлаштириш учун қурилиш ҳудуди ва жойини танлашга таъсир қиладиган барча омиллар ва шартларни миқдорий ифодалашга имкон берадиган усулларга эга бўлиш лозим. Бундай усуллар - масаланинг оптимал ечимини топишга имкон берадиган **математик моделлардир**. Улардан бири - чизиқли дастурлаш бўлиб, у ўзгарувчан катталикларнинг берилган чизиқли чеклашларни ва ушбу катталикларнинг мақсадли функциясини максималлаштирувчи ёки минималлаштирувчи қийматлари мажмуасини топиш талаб қилинадиган экстремал масалаларни ечишнинг назарияси ва амалиётини ўзида бирлаштиради.

Қурилишнинг моддий-техник базасини оптимал ривожлантириш ва жойлаштиришнинг иқтисодий-математик моделини шакллантиришда бошқа омиллар билан бир қаторда хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш пунктлари, корхоналарни жойлаштириш мумкин бўлган пунктлар, шу пунктлардаги ишлаб чиқариш ҳажмлари, транспорт харажатлари ва бошқалар ҳисобга олиниши лозим. Бу ҳолатда масалани оптимал ечиш мезони одатда келгусида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг юқори

даражада рақобатбардош бўлиши, айна пайтда корхонани яратиш ва жойлаштиришда (бир марталик ва жорий) ҳаражатларнинг имкон қадар кам бўлишидир.

Қурилишнинг моддий-техник базасини янада ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири қурилиш индустрияси корхоналари ҳамда қурилиш конструкциялари, деталлари ва материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни лойиҳалаштириш билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилашдир.

Бунда ушбу ўзаро муносабатларнинг асосида қуйидагилар ётиши лозим:

- қурилиш индустрияси корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнлари юксак даражада механизациялашган ва автоматлаштирилган, янги, энг тежамли лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- бу корхоналарни хом ашё ва материаллари, конструкцияларни ташишнинг ҳамда ишлаб чиқаришни кооперациялашни ривожлантиришнинг рационал схемаларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат ҳудудида жойлаштиришнинг оптимал вариантларини танлаш;

- ишлаб турган, биринчи навбатда 20-30 йил ва ундан узоқ муддат ишлаб келаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, бозор муносабатлари шароитида, қурилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотларининг хўжалик юригишдаги мустақиллиги кучайиб бораётган бир пайтда, моддий-техник базани ривожлантириш масалалари ҳам, хўжалик субъектлари ўртасидаги, шунингдек, субъектлар билан капитал қурилиш соҳасида ишловчи ёки унга боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги хўжалик алоқларини кучайтириш масалалари ҳам, аввалги пайтлардагидек вазирлик ва маҳкамалар томонидан эмас, балки, зарур ҳолларда давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда кўпроқ қурилиш ташкилотлари ва корхоналари томонидан ҳал қилинмоқда.

Қурилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотлари ўзларининг моддий-техник базаларини ривожлантириш орқали ўз ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлабгина қолмай, балки рақобатли муҳитда ўз иқтисодий барқарорлигини таъминлайдилар, фаолиятларининг ҳаёт циклини ўзайтирадилар. Бунда моддий-техник базасини ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг фақатгина техник ёки моддий таъминотдаги абсолют ўсишидан, ёки иқтисодчилар ибораси билан айтганда, ишлаб чиқаришнинг фонд билан жиҳозланганлигининг ортишидан иборат бўлиб қолмай, балки унинг устиворлик тамойиллари асосида, максимал самарадорликни таъминлаш тамойили асосида амалга оширилади. Гап шундаки, бозор муносабатлари шароитида корхона ресурсларининг ҳар бир тури аввалги режалаштириладиган иқтисодиёт шароитидаги каби Давлат режалаштириш қўмитасининг ёки таъминот қўмитасининг буйруғи асосида эмас, балки хусусий маблағлар ҳисобига эришилади.

Хулоса қилиб айтганда қурилиш - моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғи бўлиб, иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характери, техникаси, технологияси ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиниши ҳамда бошқарув тизими билан фарқ қилади.

Қурилишнинг маҳсулоти ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари бўлиб, улар мамлакатнинг миллий бойлигини ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашнинг асосини ташкил қилади.

Маҳсулотнинг кўп капитал ва меҳнат талаб қилиши, меҳнат предметлари ва қурулларининг кўчма характери, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган жойда стационар ўрнашган бўлиши, ишчиларнинг касбий таркиби, ишлаб чиқариш циклининг узоқлиги ва бошқалар қурилишнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Моддий-техник базанинг етарли бўлиши - қурилишнинг халқ хўжалиги тармоғи сифатида муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун муҳим шартдир. Бунда моддий-

техник базанинг қурилиш дастурига нисбатан илдам ривожланиши инвестиция-қурилиш вазифаларини ҳал қилишнинг асосий тамойили ва зарур шартидир.

Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришда қурилиш ишлаб чиқаришининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш, фан-техника тараққиёти ютуқларига таяниш лозим.

Миқдорий ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, заҳираларни топиш ва уларни сафарбар этиш, қурилишнинг капитал сарфларини ва қурилиш муддатларини камайтириш - инвестицион-қурилиш жараёнидаги барча иштирокчиларнинг муҳим вазифасидир.

2-боб. Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамияти иқтисодий фаолияти ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдаги ўрни

2.1. Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий жиҳатдан бошқарилиши

Янгиқўрғон туманидаги Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамият 2005 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлади. Корхона янгиқўрғон тумани, Қораполвон қишлоқ фуқаролар йиғини, Радивон маҳалласида жойлашган.

Дастлаб ушбу корхона номи “Янгиқўрғон ғишт заводи” деб юритилиб, у 1976 йилда фойдаланишга топширилган эди. Ўтган давр мобайнида ушбу корхона Янгиқўрғон тумани бўйича амалга оширилган барча қурилиш объектларига қурилишга доир хом-ашё маҳсулотларини етказиб бериб, амалга оширилган қурилиш ишларида ўзининг фаол ҳаракатини намоён эта олган. У даврларда мазкур корхонанинг лойиҳавий қувватига кўра йилига 10 млн. дона ғишт тайёрлай олган. Бироқ бугунги кунларда Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятининг асосий воситалари таркибидаги технологик ускуналарнинг эскириши ва емирилиши, газ таъминотидаги узилишларни ҳисобга олганда йилига 5 млн. дона ғишт ишлаб чиқаришга ўтган.

Мулкчилик муносабатларининг ривожланиши ва такомиллашиб бориши натижасида ушбу корхона Наманган вилояти давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитасининг №7832-сонли буйруғи асосида мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерига эга бўлди.

Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятнинг иқтисодий фаолият кўрсатишидан асосий мақсад фойдага эришиш ва манфаатдорликка эга бўлиш. Шу мақсадда Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган қурилиш маҳсулотлари бозор талабларига жавоб беради ва аҳоли эҳтиёжини қондириб боришга ҳаракат қилади. Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамияти ўз мақсадидан келиб чиқиб, фаолиятнинг қуйидаги турлари билан шуғулланади:

- маҳаллий хом-ашё материалларидан қурилиш ва турли безакли пишган ғиштлар ҳамда ярим тайёр ғиштлар ишлаб чиқатиш ва сотиш;
- оҳак ва арзик тайёрлаш ва сотиш;
- сопол ва керамикадан турли қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш;
- халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- қурилиш материалларини олиб келиш ва сотиш;
- улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш (махсус лицензия олингандан сўнг);
- корхоналар, ташкилотлар ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш;
- ёғоч материалларини қайта ишлаш ва дурадгорлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- таъмирлаш ва қурилиш монтаж ишларини бажариш;
- аҳолига тегирмон хизмати кўрсатиш;
- янги технология ва “ноу-хау”ларни яратиш, уларни сотиш ва эгалик қилиш;
- ишлаб чиқатилган маҳсулотларни ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга сотиш ҳамда жамиятга қаршли бўлган транспортларда етказиб бериш ва бошқа Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлари билан тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамияти қуйидаги таркибдан иборат:

- тупроқ сақлаш жойи;
- шакллантириш бўлими;

- иккита блокдан иборат 11 тунелли қуришиш бўлими;
- 28 камерали айланма хмдон;
- тайёр маҳсулотлар омбори.

Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятида тайёрланадиган қуришиш маҳсулотлари меъёрий қўлланмалар асосидаги стандартлар бўйича амалга оширилади.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 32690900 сўмдан иборат бўлиб, у таъсисчиларнинг пул бадаллари ва бошқа мулкӣ улушлардан таркиб топган.

2.1.-жадвал. “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди таъсисчилари¹

№	Фамилияси исми ва шарифи	Улуш ҳажми	Улуш фоизи
1	Абдурахмонов Баҳром Хошимович	9723433	29,74
2	Холматов Баходир Бахтиёрович	11723433	35,86
3	Холматов Одил алиматович	6266300	19,16
4	Холматов Муродилла алиматович	3977734	12,17
5	Холматов Малик Муродуллаевич	1000000	3,07
	Жами	32690900	100


Мазкур корхона устав фондига молиявий, мулкӣ ва интеллектуал мулк, моддий воситалар, ҳақ истеъмол моллари, ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар, хом-ашё ва бошқа товар-моддий бойликлар киритилиши мумкин ва таъсисчиларнинг умумий йиғилиши билан устав фонди кўпайтирилади ёки камайтирилади.

Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамият таъсисчилари бошқа таъсисчиларнинг розилиги билан ўз улушларини бир ёки бир неча таъсисчисига ёки учинчи шахсга беришлари мумкин. Таъсисчи жамият таркибидан чиқаётганда устав фондидаги улушига мутаносиб равишда жамият мулки қийматининг бир қисми тўланади. Чиқиб кетаётган таъсисчига у чиқиб кетаётган пайтдаги жамият олган фойданинг бир қисми тўланади. Бу каби жараёнлар меъёрий ҳужжатларда кўрсатилганидек амалга оширилади.

Янгиқўрғон туманида жойлашган Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамият томонидан тўланадиган солиқлар, қонунчиликда ўрнатилган бошқа мажбурий тўловлар ва ўз мажбуриятлари бўйича тўловлар оширилгандан сўнг қолган фойда жамият тасарруфида қолади ва жамият фондларини шакллантиришга йўналтирилади. Фойдани бир қисми таъсисчиларга уларни устав фондидаги улушига мутаносиб равишда дивидент тарзда тўланади. Агар йиғилиш бошқача қарор қабул қилмаган бўлса, дивидентларни тўлаш йил якунлари бўйича амалга оширилади.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчилари жамият ишларини бошқаришда таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда

¹ Жадвал муаллиф томонидан “Муродўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг ҳисоботлари асосида тузилган.



2.1.1-чизма. “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг бошқарув тузилмаси¹

¹ Чизма муаллиф томонидан мазкур корхона маълумотлари асосида тузилди.

қатнашиш, фаолиятдан ҳисобланган фойда (дивиденд)ни пул ёки маҳсулот шаклида олиши, фаолият ҳақидаги ахборотни сўраган кунидан бошлаб, беш кун ичида олиш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳақида маълумотлар, бошқа ҳужжатларни олиш, ўрнатилган тартибда жамият таркибидан чиқиш ва таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамияти давлат рўйхатига олинаётган пайтда таъсисчиларнинг ҳар бир таъсис ҳужжатларида кўрсатилган улушнинг камида 30 фоизини киритишлари мажбурдирлар. Таъсисчилар улушнинг қолган қисмини жамият давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг бир йил давомида тўла киритишлари мажбурийдир. Ўз улушларини тўла қўшган таъсисчига гвоҳнома берилади ва у қимматли қоғоз сифатида тан олинмайди. Устав фондининг кўпайтирилиши таъсисчиларнинг улушлари бўйича мутаносиб равишда ёки улар ўртасидаги келишув йўли билан амалга оширилади. Устав фондининг камайтирилиши жамиятдан бир ёки бир неча таъсисчининг чиқиб кетиши содир бўлган ҳолларда чиқиб кетаётган таъсисчиларнинг улушини жамият ёки бошқа учинчи шахс сотиб олмаган ҳолларда амалга оширилади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган минимал ҳажмгача камайтирилиши мумкин. Жамиятнинг ўз устав фондини камайтириш тўғрисида қарори белгиланган тартибда матбуотда эълон қилингандан сўнг камида уч ой ўтгандан кейин кучга киради.

Биз таҳлил этаётган корхона бўлиш, “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари бошқа таъсисчиларнинг розилиги билан ўз улушларини (улушнинг бир қисмини) бир ёки бир неча таъсисчига ёки учинчи шахсга беришлари мумкин. Жамият таъсисчилари бу улушни (улушнинг бир қисмини) жамиятнинг устав фондидаги улушига мутаносиб равишда олишларида имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар. улушларни (улушнинг бир қисмини) учинчи шахсга жамият таъсисчиларининг манфаатлари қондирилгандан сўнг бериш мумкин. Бундай ҳолларда учинчи шахс унинг ҳуқуқий вориси бўлади.

2.2. Янгикўрғон туманидаги “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг иқтисодий фаолияти

Янгикўрғон туманидаги “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг иш фаолияти муайян иқтисодий муносабатлардан иборат бўлиб, бозор субъектлари билан ўзаро алоҳалар олиб боради. Корхонанинг асосий ишлаб чиқарувчи маҳсулоти пишган ғишт бўлиб, ҳудудий кўламдаги мижозларни эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган. Таҳлил этилаётган “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида ҳозирги кунда 56 киши меҳнатда банд бўлиб, уларнинг аксарияти ўрта маълумотли кишилардир. 2008 йилда ишчилар сони 44 нафар бўлиб, 2013 йил ҳолатига келганда 56 кишидан ортган. Ёки ишчилар сони тегишли даврларда 127,2 фоизга ошган.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида фаолият кўрсатаётган бу ишчилар учун ҳисобланган иш ҳақи миқдорида йилдан йилга ўзгаришлар содир бўлмоқда. Агар 2008 йилда мазкур чекланган акциядорлик жамиятининг ишчилари учун ажратилган ёки ҳисобланган жами иш ҳақи 26839666 сўмга тўғри келган бўлса, 2009 йилда ушбу кўрсаткич 41568057 сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2008 йилдаги ҳолатдан 14728391 сўмга ошганлигини кўрамыз. 2013 йилда эса “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида ишчилар учун ҳисобланган жами иш ҳақи 69295126 сўмни, ташкил этди. Бу эса 2009 йилга нисбатан олганда 27727069 сўмга кўпайганлигини кўрсатади. Бу рақамга эътибор берилса, унинг миқдорий ҳажми 2008 йилда ишчилар учун ҳисобланган жами иш ҳақидан кўп эканлигини англаш мумкин. Бу

фарқ 887403 сўмга тўғри келди. Бошқача айтганда ишчиларга тўланиши керак бўлган иш ҳақи шунча миқдорда кўпдир.

Ишчиларга тўланадиган иш ҳақи йилдан йилга ошиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатларда қабул қилинганидек, иш ҳақи ошиб боради. Иш ҳақини ошиб бориши бир томондан инфляциян жараёнларга ҳам боғлиқ. Шу боис ходимларни иш ҳақи ҳисобланганда, инфляциян жараёнларни ҳам эътиборга оли жуда муҳим.

Умуман олганда “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида 2008-2013 йилларда ҳисобланган иш ҳақи миқдори деярли 2,6 мартага ошган. Корхона миқёсида ишлаётган ишчиларнинг 44 нафардан 56 нафарга чиқарилиши бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга мувофиқ келади. Ишсизликни камайтириш мақсадида мазкур корхонанинг кўшган хиссаси мана шундай чоратадбирларнинг қўллаётганидан билиб олса бўлади.

2.2.1-жадвал. “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятнинг ишчилари учун ҳисобланган жами иш ҳақи

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2013 йил	2013 йилни 2008 йилга нисбати (%да)
Ҳисобланган жами иш ҳақи	26839666	41568057	69295126	2,58 марта ошган
Ишчилар сони	44	44	56	127,2

Бугунги кунда “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг бошланғич қиймати 113262 минг сўмга тенг бўлиб, бу миқдорнинг асосий қисмини шу корхонага тегишли бўлган бино ва иншоотлар, узатиш мосламалари ва техника ускуналари, шунингдек, транспорт воситаларининг қиймати ташкил этади. Бино ва иншоотлар, узатиш мосламалари ва техника ускуналари корхона асосий фондларининг 40,7 фоизига тўғри келади. Транспорт воситалари корхона асосий фондларининг 44,7 фоизини ташкил этади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг асосий фондлари бугунги кунда жуда эскирган. Шуни ҳисобига олганда 2008-2013 йилларда корхона асосий восталарининг йиллардаги динамикаси камайиб боровчи тенденцияга эга бўлиб бўлган. Бу камайиш 570863 минг сўмни ташкил этди. Агар шу давр мобайнидаги йилларга тегишли миқдорни ҳисоблайдиган бўлсак, корхонанинг асосий воситаларидаги ўзгариш йилига ўртача 190287,6 минг сўмга тўғри келишини кўриш мумкин (2.2.1-жадвалга қаранг).

2.2.1-жадвал. “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятидаги асосий воситалари таркибининг йиллар бўйича ўзгариши¹

№	Кўрсаткичлар номи	минг сўмда			
		2008 йил	2009 йил	2013 йил	2013 йилни 2008 йилга нисбати
1	Асосий воситалар	684125	82809,7	113262	–570863
2	Жумладан: Бино ва иншоотлар	36879,8	36879,8	46099,8	+9220
3	Узатиш мосламалари ва техника ускуналари				
4	Транспорт воситалари	18310,3	32707,5	50634,3	+32324
5	Бошқа асосий воситалар	10522,2	10522,2	13152,8	+2630,6
	Идора жиҳозлари	2700,0	2700,0	3375,0	+675

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамияти асосий воситаларининг эскириш қиймати сўнгги йилларда сезиларли даражада фарқланиб бормокда. Бунинг асосий сабаби асосий воситалар таркибида янги техника технологияларни киритилмаётганлиги бўлиб, раҳбарликни ташкил этишда бу масалаларни жиддий ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлишини алоҳида қайд этишимиз зарур.

Асосий воситаларни такрор ишлаб чиқариш ўзаро боғланган ички жараёнларга: асосий фондлар ёйилишига, амортизация қилиш ва амортизация фондида меҳнат воситаларини маҳсулот шаклида қоплаш учун фойдаланишга таянади. Асосий воситаларни такрор ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар амортизация фонди ёрдамида қопланади.

Амортизация меҳнат воситалари қиймати ёйилиб боришига қараб, уни аста-секин ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказиш ва пул шаклига айлантириш ҳамда асосий фондларни, кейинчалик такрор ишлаб чиқариш мақсадларида пул ресурсларини жамғариш жараёнидан иборат. Асосий воситаларнинг эскириши билан амортизация ўртасида мустаҳкам алоқа бор. Эскириш меҳнат воситаларидан фойдаланиш вақтида уларнинг техник-ишлаб чиқариш хоссаларини аста-секин йўқотиши натижасида қийматнинг камайиши ва маҳсулотга ўтказилиши жараёнини акс эттиради.

2.2.2-жадвал маълумотларига кўра олганда “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамияти асосий фондларининг эскириши қиймати йилдан йилга ўсиб борган. Агар 2008 йилда корхонанинг асосий фондларининг эскириши 33007,5 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2009 йилда 40572,8 минг сўмни ташкил этган. Худди шу кўрсаткич 2010 йилда 49825,1 минг сўмга тўғри келди. 2008-2013 йиллар оралигида “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамияти асосий фондларининг эскириш қиймати 16817,6 минг сўмга ўзгарди. Бошқача айтганда асосий фондлар таркибидаги эскириш шунча миқдорда амалга ошди.

¹ Жадвал битирувчи томонидан Янгикўрғон 5-ХМККсидан олинган маълумотлар асосида ҳисоблаб тузилган.

**2.2.2-жадвал. “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган
жамиятининг асосий воситалари¹**

минг сўмда						
№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирли-ги	2008 йил	2009 йил	2013 йил	2013 йилни 2008 йилга нисбати
1	Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати	минг сўмда	68412,5	82809,7	113262	44849,5
2	Асосий воситаларнинг эскириш қиймати	минг сўмда	33007,5	40572,8	49825,1	16817,6
3	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	минг сўмда	35405	42236,9	63436,9	28031,9
4	Асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти (2:1)	коэф.	0,48	0,49	0,44	-0,04
5	Асосий воситаларнинг ишга яроқлилик коэффиценти (3:1)	коэф.	0,52	0,51	0,56	0,04

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг асосий фондларининг қолдиқ қиймати 2008 йилда 35405 минг сўмни ташкил этди. 2009 йилга келиб эса 42236,9 минг сўмни ташкил этди. Ниҳоят 2013 йилда мазкур корхонанинг асосий фондларининг қолдиқ қиймати 63436,9 минг сўмни ташкил этди. Йиллар бўйича таҳлиллардан кўриниб турибдики, “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятини асосий фондларининг қолдиқ қиймати ўсиб боровчи тенденцияни олган. Агар тегишли йиллар солиштирилса, яъни 2008-2013 йиллар солиштирилса, асосий фондларнинг қолдиқ қиймати 28031,9 минг сўмга ўзгарганлигини кўрамиз.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамияти томонидан маҳсулотларнинг сотишдан тушган соф тушуми 2008 йилда 192088,4 минг сўмга тўғри келиб, бу 2007 йилдаги ҳолатдан 1284954 минг сўмга ошганлини кўрсатади. Худди шундай кўрсаткич 2009 йилда 198469,1 минг сўмга тўғри келган бўлса, 2013 йилда 289117,1 минг сўмни ташкил этган. “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамияти томонидан сўнгги уч йил мобайнида сотилган маҳсулотларнинг ва кўрсатилган хизматлардан тушган соф тушум 94028,7 минг сўмга кўпайганлигини кўрсатади. Бу дегани ҳар бир йилда ўртача 31342,9 минг сўмга тўғри келади деб айтишимиз мумкин (2.1.3-жадвалга қаранг). Шунини алоҳида қайд этиш керакки, ушбу корхонада мавжуд транспортёрларни айримлари қайта таъмирлангани учун ишлаб чиқаришга жиддий эътибор берилмоқда.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган ғишт маҳсулотларига бўлган талабнинг доимийлиги миқдорларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Ҳозирги кунда мазкур корхона томонидан сотилган маҳсулотнинг таннари, яъни 2013 йилга тегишли ҳолатда қайд этилса, 196726,2 минг сўмни ташкил этади. Бу эса 2008 йилдаги ҳолатдан 472401 минг сўмга кўп эканлигини кўрсатмоқда.

¹ Жадвал битирувчи томонидан Янгикўрғон 5-ХМККси маълумотлари асосида ҳисоблаб тузилган.

**2.2.3-жадвал. “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган
жамиятининг молиявий натижалари¹**

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар номи	2008 йил		2009 йил		2013 йил		2013 йилни 2008 йилга нисбати	
		Даро- мадлар	Хара- жатлар	Даро- мадлар	Хара- жатлар	Даро- мадлар	Хара- жатлар	Даро- мадлар	Хара- жатлар
1	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	192088,4	-	198469,1	-	289117,1	-	+94028,7	-
2	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи	-	148350,4	-	120568,8	-	196726,2	-	+472401
3	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси	43838,0	-	67360,3	-	92390,9	-	+48552,9	-
4	Давр харажатлари	-	42158,8	-	65799,7	-	85418,1	-	+43259,3
5	Маъмурий харажатлар								
6	Бошқа операцион харажатлар								
7	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	675,4		2332,6		1374,9			
8	Асосий фаолиятнинг фойдаси	2354,6	-	4033,2	-	8347,7	-	+5993,1	-
9	Молиявий фаолият даромадлари, жами	-	-	-	-	-	-	-	-
10	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	-	-	-	-	-	-	-	-
11	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	2354,6	-	4033,2	-	8347,7	-	+5993,1	-
12	Фавкулуддаги фойда ва зарарлар	-	-	-	-	-	-	-	-
13	Даромад солиғини тўлагунга қадар фойда	2354,6	-	4033,2	-	8347,7	-	+5993,1	-
14	Даромад солиғи	-	1979,4	-	3393,9	-	2537,9	-	558,5
15	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	-	35,2	-	47,3	-	464,8	-	429,5
16	Ҳисоб даврининг соф фойдаси	340,0	-	592,0	-	5345,0	-	+5005	-

Агар 2008 йилда сотилган маҳсулотларнинг таннархи 148350,4 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2009 йилда худди шу кўрсаткич 120568,8 минг сўмни ташкил этди. Кўриниб турибдики, 2009 йилдаги ҳолат 2008 йилдаги ҳолатдан 27781,6 минг сўмга камайган. Бу албатта ижобий ҳолат. Аммо 2013 йилга келиб сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи 2009 йилдагига нисбатан олганда 76157,4 минг сўмга кўпайган.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархиининг сўнгги йиллардаги бу кўпайишини хом-ашёнинг чегараланганлиги ва шу билан бирга транспортда ташиш қўшимча маблағ талаб этаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Тупроқни тозаллиги ва шўрлашмаган ҳолатда

¹ Жадвал битирувчи талаба томонидан Янгиқўрғон 5-ХМККсидан олинган маълумотлар асосида ҳисоблаб тузилган.

ишлаб чиқариш жойларига келтирилишининг ўзи ҳам нисбатан кўпроқ маблағ талаб эта бошлади.

Бироқ шунга қарамай, “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси 2013 йилга тегишли ҳолатда 92390,9 минг сўмни ташкил этди. Бу эса 2009 йилдаги ҳолатдан 25030,6 минг сўмга кўп эканлигини кўрсатади. Чунки 2009 йилда маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси 67360,3 минг сўмга тенг бўлди. Худди шу кўрсаткич 2008 йил ҳолатида 43838,0 минг сўмга тенг бўлган ва бу кўрсаткич 2013 йилдаги ҳолатдан 48552,9 минг сўмга кам бўлган.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш уни сотиш ва келибтушган тушумдан солиқлар ҳам тўлаб борилади. Мазкур корхонага тегишли солиқлар ва мажбурий тўловлар 2.2.4-жадвалда келтирилган. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, йилдан йилга корхонанинг тушуми ортиб борган сари солиқларнинг миқдори ҳам йилдан йилга ўсиб боровчи тенденцияга эга. Агар 2008 йилда 1979447 сўмлик солиқ тўловлари амалга оширилган бўлса, 2009 йилда 3393879 сўмлик мажбурий тўловлар амалга оширилган. 2013 йилда эса 2537902 сўмлик солиқлар давлат бюджетига тўланди.

2.2.4-жадвалдан шуни кўриш мумкинки, “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамияти томонидан тўланадиган инфратузилма солиғи миқдоран ошган. Сўнгги уч йил мобайнида бундай солиқлар деярли 14,3 мартага кўпайган ва 2013 йил ҳолатида 504000 сўмни ташкил этди.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида мол-мулк солиғи ҳам ўсиб боровчи тенденцияга эга. Агар 2008 йилда мазкур корхонанинг мол-мулкига бўлган солиқ суммаси 1185300 сўмга тўғри келган бўлса, 2009 йилда худди шу кўрсаткич 1516500 сўмни ташкил этган. Бир йил мобайнидаги ўзгариш 331200 сўмга тўғри келди. 2010 йилда эса “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг мол-мулкига тўлаган солиғи 1908900 сўмни ташкил этди ва 2009 йилга нисбатан олганда 392400 сўмга кўпайганлигини тасдиқлайди. Умуман олганда 2008-2013 йиллар давомида “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг мол-мулкига бўлган солиғи 161,0 фоизга ошган.

2.2.4-жадвал. “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятнинг солиқ тўловлари тўғрисида маълумот

№	Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2013 йил	2013 йилни 2008 йилга нисбати (%да)
1	Фойда солиғи	1979447	3393879	2537902	128,2
2	Инфратузилма солиғи	35238	47297	504000	14,3 мартага ошган
3	ҚҚС	38513835	38140009	42889338	111,3
4	Недр солиғи	715734	701758	850000	118,7
5	Сув солиғи	604840	653400	670500	110,8
6	Мол-мулк солиғи	1185300	1516500	1908900	161,0
7	Ер солиғи	-	4756691	5707900	
8	Иш ҳақи фондидан 25% мажбурий ажратма	6441520	9976334	17323782	2,68 мартага ошган
9	Пенсия жамғармаси учун ажратма 1,5%	1920884	1884691	4336756	2,25 мартага ошган
10	Ягона йўл жамғармасига 1,5% ажратма	2881326	2827036	4336756	150,5
11	Мактаб фонди учун мажбурий ажратма	1920884	1884691	1445585	75,2

2.3. “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий хом-ашёлар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва ундаги муаммолар

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида мавжуд технологиядан узоқ йиллардан буён фойдаланиб келинмоқда. Ушбу корхонадаги технологик регламент Наманган вилояти, Янгикўрғон туманидаги “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида лойсимон ва кремнеземли чўкма жинсларидан, пластик усулда шакллантириш ҳамда айланма хумдонда пишириш йўли билан ГОСТ 530-95 талабларига жавоб берувчи тўлиқ жинсли, якка сопол ғишт ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Технологик регламент ишлаб чиқаришда ғишт заводининг ҳақиқатдаги техник шароитлари ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги хусусиятлари ҳисобга олинган.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган сопол ғиштлар бино ва иншоотларнинг ташқи ва ички деворлари ҳамда пойдеворлар теришда фойдаланилади. Бундай сопол ғишт учун техник талаблар ГОСТ 530-95 бўйича белгиланади. Тўлиқ жинсли, якка сопол ғиштнинг номинал улчамлари узунлиги бўйича 250 мм, кенлиги 120 мм, қалинлиги 65 мм. Бундай ғиштларни ишлаб чиқаришда рухсат этилган четланишлар қуйидагича:

- узунлиги бўйича - ± 7 мм.
- кенлиги бўйича - ± 5 мм.
- қалинлиги бўйича - ± 3 мм.
- қирраларининг вертикалдан оғиши - ± 4 мм.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариладиган ғиштларнинг томонлари сирти ясси, қирралари тўғри чизикли бўлиши лозим. Буюмдаги ташқи кўринишдаги нуқсонлар 2.3.1-жадвалда кўрсатилган улчам ва миқдордан ортиқ бўлмаслиги керак.

2.3.1-жадвал. “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариладиган ғиштларнинг чегаравий нуқсонлари

№	Нуқсонлар тури	Улчами, мм	Миқдори, дон
1	Бурчакларини кўчганлиги ва чуқурлиги	10 дан 15 гача	2
2	Қирраларининг кўчганлиги ва ботиқликлари		2
	Жумладан: чуқурлиги	10 гача	
	узунлиги	10 дан 15 гача	
3	Томонларнинг ғишт қалинлигидаги ёриқлар:	30 гача	
	тушама томонда		1
	пеш томонда		1

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган ғиштлар эски технология асосида тайёрлангани боис, уларнинг ичида, яъни ҳар ишлаб чиқарилган партияда яримталиқ ғиштлар ҳам учрайди. Бундай яримта бўлиб қолган ғиштлар 5 фоиздан ошмаслиги керак. Истеъмолчиларга яхши пишмаган ва куйдириб юборилган ғишт етказиб беришга йўл қўймаслик лозим. Агар бундай яримта ғиштлар сони ортиб борса, демак технологик жиҳатдан таъмирлаш ишларини олиб бориш мақсадга тўғри келади.

Одатда ғиштнинг маркаси сиқилишидаги ва эгилишидаги мустаҳкамлик чегараси бўйича белгиланади. Мазкур ғишт ишлаб чиқарувчи корхонада чиқариладиган М-75 сопол ғиштнинг 5 та намунанинг сиқилишидаги ўртача мустаҳкамлиги 7,5 Мпа (75 кгс/см²), алоҳида намунанинг энг кичик кўрсаткичи 5 Мпа (50 кгс/см²), эгилишидаги 5

та намунанинг ўртача мустаҳкамлиги 1,8 Мпа (18 кгс/см²), алоҳида намунанинг энг кичик кўрсаткичи 0,9 Мпа (9 кгс/см²) бўлиши керак. Ғиштнинг сув ютувчанлиги 8 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Қурилган ҳолатда ғиштнинг массаси 4,3 кг.дан ортиқ бўлмаслиги керак. Табiiй радионуклидларнинг самарали солиштирма активлиги 370 Бк/кг. дан ортиқ бўлмаслиги талаб этилади.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида ғишт ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган лойсимон хом-ашё, мавжуд норматив ва техник ҳужжатлар талабига мувофиқ бўлиши ҳамда ГОСТ 530-95 талабларига жавоб бериши лозим. Шундагина тўлиқ жинсли, якка сопол ғишт ишлаб чиқаришни таъминлаш мумкин. “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида хом-ашё сифатида ишлатиладиган Янгиқўрғон карьерининг тупроғи “Химгеологнеруд” экспедицияси тадқиқотларига биноан қуйидаги кўрсаткичларга эга:

2.3.2-жадвал. “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида хом-ашё сифатида ишлатиладиган тупроқнинг кимёвий таркиби

№	Бирикмалар номи	Рухсат этилгани, %	Ҳақиқий таркиби, %
1	Кремний оксиди (SiO ₂)	60-80	69
2	Алюминий оксиди (Al ₂ O ₃)	5-20	12
3	Титан оксиди (NiO ₂)	30-10	7
4	Кальций оксиди (CaO)	0-25	4
5	Магний оксиди (MgO)	0-3	2
6	Углевод оксиди (CO ₂)	10	3
7	Олтин гугурт ангидрати (SO ₃)	0,5	0,6
8	Бошқа қўшимчалар	2-10	2,4

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида ишлатиладиган хом-ашё кескин бўлмаган қуришиш режимини талаб этади. Чунки эластиклик ҳолати 7-9 фоизни ташкил этади. Қуришиш муддати 30 соатгача. Корхонада тайёрланадиган ғишт 1000°С ҳароратда пиширилади. Ғиштнинг сув ютувчанлиги 16,7 фоиз, ўтириши (усадка) – 5,64 фоиз. Шакллантириш намлиги -18 фоиз. ЎзРСТ 530-95 М-75 маркали ғишт ишлаб чиқариш учун қўшимчалар қўшиш талаб этилмайди. Сув таъминоти манбаи қудуқ хизмат қилади. Сувнинг йиллик сарфи 3740 м³. Газ таъминоти ўрта босимли газ тармоғидан амалга оширилади. Йиллик газ сарфи 1530 т.м³, соатбай максимал газ сарфи 496 м³/соатга тенг. Электр таъминоти 400 кВт қувватли трансформатор подстанциясидан амалга оширилади. Электрнинг йиллик қуввати сарфи 225 минг кВт/соат.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида иш билан банд бўлган ишчилар меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги бўйича инструктаждан ўтишлари лозим. Ўтказилган инструктаж натижалари махсус журналди қайд этилади, тегишли инструктажсиз ишларни бажаришга рухсат этилмайди.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишдаги муаммолар шундан иборатки, бунда технологияни эскирганлиги ва бу технологияни ишлатиш учун қўшимча маблағлар сарфланишидир. Чунки технологик жараёнларда таъмирлаш ишлари ҳам қўшимча вақтни талаб қилади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнининг чўзилишига олиб келади.

3-боб. Модернизация жараёнларида Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўналишлари

3.1. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ қурилишини молиялаштириш ҳамда имтиёзли кредитлаш

Ҳар қандай қурилиш хом-ашёларсиз амалга ошмайди, яъни маҳаллий шароитларда хом-ашёдан фойдаланиш асосида қурилиш соҳасини ривожлантириш мумкин. Гарчи қишлоқларда замонавий уй-жойлар барпо этиш лойиҳасининг бошланганига эндигина 2-3 йил тўлганига қарамай, ушбу мақсадларга молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 2009 йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Энг муҳими, ўтган йили қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узоқ истикболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли замонавий салоҳиятга эга бўлган база яратишга эришилди.

Бу борада молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизми белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартда қабул қилинган ПҚ-1083 сонли «Қишлоқ қурилиш банк» очик турдаги акциядорлик тижорат банкини ташкил қилиш тўғрисидаги» қарорига мувофиқ қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифат жиҳатдан яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида «Қишлоққурилишбанк» ташкил этилди.

2010 йилги Инвестиция дастури доирасида фақат уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» орқали аҳолига 250 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Бу 2009 йилда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган маблағ миқдоридан 4 марта кўп демакдир. Айни вақтда яқка тартибда уй қурувчиларнинг ўзлари ҳам 118 миллиард сўмга яқин маблағ сарф этиши кутилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда қуриладиган уй-жойларни имтиёзли фоиз ставкалари билан узоқ муддатли ипотека кредитлари орқали аҳолига топшириш тартиби ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Ипотека – кўчмас мулкни гаровга қўйиш асосида бериладиган узоқ муддатли қарз; ушбу қарзни таъминлашга хизмат қилувчи гаров. **Ипотека кредити** – кўчмас мулк гарови остида банк томонидан берилувчи кредит. Аксарият ҳолларда кўчмас мулкни сотиб олиш учун кредит олишда шу кўчмас мулкнинг ўзи банкка кредитни қайтариш кафолати сифатида ипотека (гаров) бўлиб хизмат қилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майда қабул қилинган «Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 148-сонли қарорига биноан яқка тартибда уй-жой қуришга узоқ муддатли ипотека кредити беришнинг асосий шартлари куйидагича белгиланган:

- ипотека кредитлари олти ойдан иборат имтиёзли давр билан 15 йилгача муддатга берилади;
- ипотека кредити миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан ошмайдиган миқдорда белгиланади;
- ипотека кредитидан фойдаланганлик учун банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк кредит комиссияси (кўмитаси) томонидан ижобий қарор қабул қилинган кундаги қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида фоизлар ундирилади;
- фоизлар қарз олувчи томонидан унинг олган ипотека кредити тўлиқ тўлангунгача кредит бўйича қарзларнинг амалдаги қолдиғига ҳисоблаб қўшилади.

Ипотека кредитлари шартнома асосида ҳамда қайтарилиш, тўлиқлик, таъминланганлик, мақсадли фойдаланиш ва муддатлилик шартлари билан қуйидаги талабларга жавоб берувчи қарз олувчига берилади:

- қишлоқ жойларда яшайдиган, ипотека кредити олиш учун мурожаат қилган кунда 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига;

- охириги 12 ой мобайнида доимий иш жойига, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигидан ёхуд яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан доимий даромадга, шунингдек ипотека кредити бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни ва асосий қарзни тўлов жадвалига мувофиқ ҳар ойда тўлаш учун етарли бўлган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад манбаига эга бўлган шахсларга;

- барпо этилаётган уй-жой смета қийматининг ва/ёки бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг ва/ёки барпо этилаётган уй-жой смета қийматининг камида 25 фоизи суммасидаги қурилиш материаллари қийматининг камида 25 фоизи миқдорида бошланғич бадал учун маблағга эга бўлган шахсларга;

- кредит ташкилотларидан кредитлар бўйича тўлов муддати ўтган қарзи бўлмаган шахсларга берилади.

Қарз олувчи ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаш учун ўз маблағларига эга бўлиши керак. Бунда бошланғич бадал суммасининг бир қисми ёки унинг жами суммаси қарз олувчининг иш берувчиси ҳисобланадиган юридик шахс томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарз олувчининг номига банкда очилган омонат қўйилма ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкин.

Берилаётган ипотека кредити миқдори қарз олувчининг тўловга қодирлигини баҳолашдан ҳамда қурилаётган уй-жойнинг смета қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ҳамда у энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан, шунингдек қурилаётган уй-жой смета қийматининг 75 фоизидан ошмаслиги керак.

“Айтиш жоизки, мамлакатимизда барча зарур ижтимоий ва коммуникация инфратузилмасига эга бўлган, изчил ривожланиб бораётган ўта йирик уй-жой бозори шаклланмоқда”¹

Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлашда аҳолининг тўлов қобилиятини ошириш мақсадида ипотека кредитини қайтариш муддатининг 15 йил этиб белгиланиши ва Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи даражасида имтиёзли фоиз ставкаси жорий этилишига қўшимча равишда яна бир қатор қулайликлар яратилган. Жумладан:

- солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг имтиёзли кредит маблағлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси даромад солиғи тўланишидан озод қилинади;

- иш берувчи томонидан ходимига уй-жой сотиб олиш учун берилган маблағлар даромад солиғи тўланишидан озод қилинади;

- бошланғич бадал сифатида жамғариладиган (намунавий лойиҳанинг 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда) омонат бир йилдан кам бўлмаган муддатда тўпланса Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизи миқдорида йиллик даромад тўланади ва имтиёзли тарзда навбатсиз кредит олиш имкониятига эга бўлади.

Агар қарз олувчининг ипотека кредити ва кредит бўйича фоизларни тўлаш учун маблағлари етишмаса, ҳар ойдаги тўловларда ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган эри (хотини) ҳамда унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари) қатнашишига ҳам рухсат берилган.

Бундай имтиёзлар истиқболда қишлоқларимизнинг чирой очиб, гуллаб-яшнашига ва қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга кенг имкониятлар очиб бериши шубҳасиз.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон. 2010. 72 бет.

Замонавий уй-жойлар ва коммуникация тармоқларини барпо этиш учун энг сўнги фан-техника ютуқлари ҳамда технологияларга таянадиган, мустаҳкам моддий-техникавий базага эга қурилиш ташкилотлари талаб этилади. Қишлоқ аҳолисига қурилишни комплекс тарзда ташкиллаштириш мақсадида банк томонидан «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси ташкил этилган. Ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмалари таркиби ҳамда тузилмасини танлаб олиш, қишлоқ аҳоли пунктларида янги уй-жойларни қишлоқ фуқаролари билан «тайёр ҳолда топшириш» шартларида буюртмачи функцияларини асосида бажариш, пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов асосида қурилишни ташкиллаштириш, танланган ер массивларида намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини ташкиллаштириш ва намунавий лойиҳа бўйича бино қурилиши юзасидан назорат этиш масалалари билан шуғулланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурида Президентимиз томонидан иқтисодиётнинг реал сектор тармоқларида маҳсулотлар таннархини 20 фоизга камайтириш вазифаси қўйилган эди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи ўртача 18 фоизга, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси таркибига кирувчи корхоналарда 20-25 фоизга камаитгани ижобий ютуқларимиз сирасига киради.

“Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қурилиш режаларига, санитария талаблари ва қурилиш нормаларига риоя қилиниши устидан қатъий тизимли назорат ўрнатиши зарур”¹.

Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар қишлоқларда барпо этилаётган уй-жойларнинг лойиҳа-смета қийматини камайтиришда ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро уй-жой қийматининг арзонлашуви миллионлаб ватандошларимизнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Намунавий лойиҳаларнинг ўртача лойиҳа қийматида 23-25 фоизи (ғишт, том ёпиш материаллари, эшик ва ромлар) каби қурилиш материалларига тўғри келмоқда. Уй-жойларнинг нархларини оптималлаштирилиш мақсадида қурилатган уй-жойларда ишлатиладиган асосий қурилиш материаллари:

- цемент ва металл прокатлар тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан имтиёзли нархларда олинмоқда;
- пишган ғишт ва том ёпиш материаллари бозор нархларидан 25-30 фоиз арзонлаштирилган ҳолда бевосита ишлаб чиқарувчилардан олинмоқда.

Қурилиш материаллари нархларини арзонлаштириш мақсадида «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси томонидан йилига 300 млн. дона пишган ғишт ишлаб чиқарадиган 12 та, йиллик қуввати 1,7 млн. кв. метр том ёпиш материаллари ҳамда 75 минг донадан эшик ва ром ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этилмоқда. Булар натижасида:

- уй-жойлар таннархининг асоссиз ўсишига йўл қўйилмайди;
- қурилиш индустриясининг моддий-техник базаси мустаҳкамланади, рақобатбардош сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади;
- 500 дан ортиқ янги ишчи ўринлар яратилади.

“Худудларда аҳолини жойлаштириш, худудларни режалаштириш схемалари ва бош режалари билан боғлиқ ҳужжатларни ишлаб чиқиш тизимини тезлаштириш керак”¹.

Қурилатган уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектларининг таннархини арзонлаштириш мақсадида янгидан ташкил этилган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ва «Қишлоқ қурилиш инвест» компания билан намунавий

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон. 2010. 72 бет.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон. 2010. 72 бет.

лойиҳалар асосида уй-жойларнинг қурилиши учун «тайёр ҳолда топшириш» шартларида шартнома тузган барча пудратчи ташкилотлар солиқларнинг барча турларини тўлашдан (пенсия жамғармасидан ташқари) озод этилган. Бундан ташқари янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига:

- айланма маблағни шакллантириш ва янги қурилиш техникаси сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;
- четдан олиб қириладиган қурилиш техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёзлар жорий этилган.

Ҳукуматимиз саъй-ҳаракати билан ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ва пудратчи ташкилотларни арзон қурилиш материаллари билан таъминловчи 131 та махсус фирма дўконларини ташкил этилди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурига асосан 120 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда.

Юқорида келтирилган кенг қамровли тадбирлар натижасида ҳар бир уй-жойнинг таннаҳини 8-10 млн. сўмга камайтирилишига эришилади. Бу эса қишлоқ аҳолисини арзон, шинам ва барча қулайликларга эга замонавий уй-жойлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига биноан «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти томонидан ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитлари ва рельефини, ижтимоий-демографик хусусиятларни, маҳаллий қурилиш ва норуда материаллари борлигини, мавжуд қурилиш индустриал базасини жалб этишни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ 31 та уй-жойларининг ва 16 та ижтимоий-маданий, санитария-маиший объектларнинг янги намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди ва комиссия томонидан баҳоланди.

Алоҳида эътиборга молик томони шундаки, мазмун-моҳиятига кўра ноёб бўлган бу комплекс лойиҳалар юртимизнинг барча ҳудудларида қишлоқ аҳли ва бутун жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

«Қишлоқ жойларнинг табиий-иқлим шароити ва рельефини, юртимиз ҳудудларининг ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олган, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини қўллаган ҳолда, яқка тартибда қириладиган уйлар, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектлар лойиҳаларини такомиллаштириш ишларини давом эттириш лозим»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1167-сонли қарори ижроси бўйича қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қуйидаги вазифалар белгиланган:

- 2009 йил учун қишлоқ туманларида ажратилган 42 та ер массивларида умумий майдони 95,0 минг кв. метр ва лойиҳа қиймати 58,5 млрд. сўмни ташкил этган жами 847 та уйни 2010 йил декабрь ойигача намунавий лойиҳалар асосида қуриб, фойдаланишга топшириш;

- 2010 йил дастури доирасида 159 та қишлоқ туманларининг 215 та ер массивларида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 860,0 минг кв. метр ва лойиҳа қиймати 472,6 млрд. сўмни ташкил этган 7630 та уй-жойлар қирилади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда барча зарур ижтимоий ва коммуникация инфратузилмасига эга бўлган, изчил ривожланиб бораётган ўта йирик уй-жой бозори шакллланмоқда.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон. 2010. 73 бет.

3.2. Модернизация жараёнларида қурилишнинг моддий-техник базаси ва қурилиш хом-ашёсини ишлаб чиқариш истикболлари

Мамлакат Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXIасрга интилмоқда” китобида муҳим замонавий жиҳатлари қаторида иқтисодиётда оммавий ривожланишнинг тузилмавий тубдан ўзгарилишини аниқлаб бердики, улар тармоқ ва корхоналарни техник қайта қурулантириш ва модернизация қилишга йўналтирилган бўлиб, янада бой ва табиий ва моддий-хомаёвий потенциалдан фойдаланиш, экспортга йўналтирилган ва импортни ўзини босувчи ишлаб чиқаришни шакллантиришни кўрсатиб беради.

Бу хусусан, кўпгина бошқа иқтисодий ривожланиш масалаларини ҳал қилиши каби, кўп жиҳатдан илмий техник тараққиёт (И.Т.Т.) соҳасида бутун бир тизимни шакллантириш ва унинг аҳамиятини кучайтириб, ҳозирги бозор иқтисодиётига шароитида илмий ютуқлардан фойдаланишга боғлиқ. Тарихан исботланганки, фан ва техника ютуқларидан фойдаланмайдиган эски технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари қўллайдиган жамият, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига ва инсонларнинг моддий фаровон ҳаётини юксалтиришга эришишга даъво қилолмайди. Шунинг учун ҳам илмий техник тараққиёт иқтисодий ривожланишнинг ва аҳоли турмуш даражаси сифатини оширишнинг ўзига хос бир “дастак”и бўлиб ҳисобланади.

Қурилиш моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида фақат маҳсулот ишлаб чиқарибгина қолмай, балки бунинг учун у ёки бу турдаги ресурсларни истеъмол қилади ёки фойдаланади ҳам. Мавжуд маълумотларга кўра, қурилиш материаллари саноати маҳсулотларининг 80 фоизи, ёғоч материалларининг тахминан ярми, металл прокатининг 20 фоиздан кўпроғи, машинасозлик саноати маҳсулотларининг 10 фоиздан кўпроқ қисми қурилишда фойдаланилади. қурилиш харажатлари таркибида транспорт сарф-харажатларининг қиймати 20-25 фоизни ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, қурилишга халқ хўжалиги тармоқларининг деярли барчаси хизмат кўрсатади.

Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришда қурилиш материаллари саноати алоҳида ўрин тутди. Бу тармоқдаги корхоналар цемент, оҳак, гипс, ғишт, шиша, қоплама ва иссиқлик ўтказмайдиган материаллар, турли тўлдирмалар ишлаб чиқаради. 1999 йил октябр ойининг ўзида республика бўйича 270 минг тн цемент, тахминан 50 минг м³ йиғма темир-бетон конструкция ва деталлар, 523 минг м² дераза шишаси (қалинлиги 2 мм), 15 минг м² линолеум, деярли 3 млн. м² қоплама материаллар, 47 минг м² га яқин керамик (глазуранган) плиталар ва бошқа материаллар ишлаб чиқарилган.

Капитал қурилишда айрим турдаги материаллар истеъмолининг солиштирма улуши жуда каттадир. Масалан, тахминан 80% цемент, дераза ойнаси - 50%, ёғоч материаллар - 35-40%, қора металллар прокати - 20%, юмшоқ қоплама материаллар - деярли 70% истеъмол қилинади.

Қурилишнинг материаллар, конструкциялар, техникалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан энг тўла таъминлаш кўп жиҳатдан тармоқлараро алоқаларнинг мукамаллиги ва янада ривожлантирилишига боғлиқдир. Бу эса, одатда, ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро балансида ва маҳсулотнинг халқ хўжалигидаги тақсимоотида акс этади.

Иқтисодиётда буйруқбозлик, марказлашган бошқарув ва режалаштириш тизимидан бозор тизимига ўтилиши хўжалик субъектларига қурилишни ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятларни очиб берди, бунда ҳудудий бошқарув органларининг роли кучайиб бормоқда. Аммо бу қурилишнинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ўз-ўзидан, стихияли равишда юз беради, дегани эмас. У қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва жойлаштириш ҳамда унинг ресурслар билан тўла таъминлаш илмий тамойилларига мос бўлиши лозим.

Курилишнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва жойлаштириш учун курилиш ҳудуди ва жойини танлашга таъсир қиладиган барча омиллар ва шартларни миқдорий ифодалашга имкон берадиган усулларга эга бўлиш лозим. Бундай усуллар - масаланинг оптимал ечимини топишга имкон берадиган **математик моделлардир**. Улардан бири - чизиқли дастурлаш бўлиб, у ўзгарувчан катталикларнинг берилган чизиқли чеклашларни ва ушбу катталикларнинг мақсадли функциясини максималлаштирувчи ёки минималлаштирувчи қийматлари мажмуасини топиш талаб қилинадиган экстремал масалаларни ечишнинг назарияси ва амалиётини ўзида бирлаштиради.

Курилишнинг моддий-техник базасини оптимал ривожлантириш ва жойлаштиришнинг иқтисодий-математик моделини шакллантиришда бошқа омиллар билан бир қаторда ҳам ашё ва материалларни ишлаб чиқариш пунктлари, корхоналарни жойлаштириш мумкин бўлган пунктлар, шу пунктлардаги ишлаб чиқариш ҳажмлари, транспорт харажатлари ва бошқалар ҳисобга олиниши лозим. Бу ҳолатда масалани оптимал ечиш мезони одатда келгусида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг юқори даражада рақобатбардош бўлиши, айти пайтда корхонани яратиш ва жойлаштиришда (бир марталик ва жорий) харажатларнинг имкон қадар кам бўлишидир.

Курилишнинг моддий-техник базасини янада ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири курилиш индустрияси корхоналари ҳамда курилиш конструкциялари, деталлари ва материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни лойиҳалаштириш билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилашдир.

Бунда ушбу ўзаро муносабатларнинг асосида қуйидагилар ётиши лозим:

- курилиш индустрияси корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнлари юксак даражада механизациялашган ва автоматлаштирилган, янги, энг тежамли лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- бу корхоналарни ҳам ашё ва материалларни, конструкцияларни ташишнинг ҳамда ишлаб чиқаришни кооперациялашни ривожлантиришнинг рационал схемаларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат ҳудудида жойлаштиришнинг оптимал вариантларини танлаш;
- ишлаб турган, биринчи навбатда 20-30 йил ва ундан узоқ муддат ишлаб келаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, бозор муносабатлари шароитида, курилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотларининг хўжалик юригишдаги мустақиллиги кучайиб бораётган бир пайтда, моддий-техник базани ривожлантириш масалалари ҳам, хўжалик субъектлари ўртасидаги, шунингдек, субъектлар билан капитал курилиш соҳасида ишловчи ёки унга боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотлари ўртасидаги хўжалик алоқларини кучайтириш масалалари ҳам, аввалги пайтлардагидек вазирлик ва маҳкамалар томонидан эмас, балки, зарур ҳолларда давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда кўпроқ курилиш ташкилотлари ва корхоналари томонидан ҳал қилинмоқда.

Курилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотлари ўзларининг моддий-техник базаларини ривожлантириш орқали ўз ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлабгина қолмай, балки рақобатли муҳитда ўз иқтисодий барқарорлигини таъминлайдилар, фаолиятларининг ҳаёт циклини ўзайтирадилар. Бунда моддий-техник базасини ривожлантириш ишлаб чиқаришнинг фақатгина техник ёки моддий таъминотидаги абсолют ўсишидан, ёки иқтисодчиларнинг ибораси билан айтганда, ишлаб чиқаришнинг фонд билан жиҳозланганлигининг ортишидан иборат бўлиб қолмай, балки унинг устиворлик тамойиллари асосида, максимал самарадорликни таъминлаш тамойили асосида амалга оширилади. Гап шундаки, бозор муносабатлари шароитида корхона ресурсларнинг ҳар бир тури аввалги режалаштириладиган иқтисодиёт шароитидаги каби

Давлат режалаштириш қўмитасининг ёки таъминот қўмитасининг буйруғига эмас, балки хусусий маблағлар ҳисобига эришилади.

Қурилиш - моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғи бўлиб, иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характери, техникаси, технологияси ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиниши ҳамда бошқарув тизими билан фарқ қилади.

Қурилишнинг маҳсулоти ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари бўлиб, улар мамлакатнинг миллий бойлигини ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашнинг асосини ташкил қилади.

Маҳсулотнинг кўп капитал ва меҳнат талаб қилиши, меҳнат предметлари ва қурулларининг кўчма характери, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган жойда стационар ўрнашган бўлиши, ишчиларнинг касбий таркиби, ишлаб чиқариш циклининг ўзоқлиги ва бошқалар қурилишнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Моддий-техник базанинг етарли бўлиши - қурилишнинг халқ хўжалиги тармоғи сифатида муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун муҳим шартдир. Бунда моддий-техник базанинг қурилиш дастурига нисбатан илдам ривожланиши инвестиция-қурилиш вазифаларини ҳал қилишнинг асосий тамойили ва зарур шартдир.

Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришда қурилиш ишлаб чиқаришнинг жорий ва истикболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш, фан-техника тараққиёти ютуқларига таяниш лозим.

Микдорий ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, захираларни топиш ва уларни сафарбар этиш. қурилишнинг капитал сарфларини ва қурилиш муддатларини камайтириш - инвестицион-қурилиш жараёнидаги барча иштироқчиларнинг муҳим вазифасидир.

Илмий техник тараққиётнинг бошланғич ишлаб чиқариш босқичи бўлиб, турли илмий тадқиқот муассасаларида юзага келиб ишлаб чиқариладиган ғоя, фикр ва лойиҳалар ҳисобланади. Яратиладиган техника-технология ва бошқа янгиликларни эксперимент ва синовдан ўтказиш ишлаб чиқариш тармоқлари зиммасига тушади. Кейинги босқич маълум: серияли ишлаб чиқариладиган янги техника меҳнат қуроли сифатида ишлатилиши мумкин.

Бироқ ўз маҳсулотини илмий техник ютуқлар асосида яратаётган ва ишлаб чиқараётган ҳар қандай ташкилот юқори ишлаб чиқариш техникасига эга бўлиши, яъни замонавий ташкилот бўлиши керак. Айнан шу маънода қурилиш илмий техник тараққиётнинг суръат ва микёсларига техник жиҳатдан янги асосий фондоар ва ишлаб чиқариш қувватини ишга тушириш йўли билан катта таъсир ўтказади. Бошқача қилиб айтганда илмий техник тараққиёт халқ хўжалигида бевосита капитал қурилиш натижалари билан боғлиқ. Фан ва техниканинг замонавий ютуқлари асосида ташкилот ва бошқа объектларни лойиҳалаштириш ва асосий омилларидан бири ва капитал қурилиш самарадорлигини оширишнинг негизи бўлиб ҳисобланади.

Қурилишда илмий техник тараққиёт — бу замонавий илмий техник ютуқлар ва ишлаб чиқариш воситалари, технологик жараёнлар меҳнатташкил этиш ва бошқариш усуллари асосида ишлаб чиқаришни ўзлуксиз такомиллаштириш жараёнидир. Ушбу жараён меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифатининг оширилишини ва максимал фойдага эришишни таъминлайди. Илмий техник тараққиёт ўзининг ривожланишида иккита ўзаро боғлиқ шаклларда: эволюцион ва революцион шаклларда намоён бўлади. Илмий техник тараққиётнинг эволюцион шакли вазифаси анъанавий технология, жихозлар, материал ва конструкцияларни ўзлуксиз ва доимий равишда мукаммаллаштиришдан иборат. Бундай жараён анча муддатгача давом этиши мумкин ва ўзининг биринчи босқичларида етарли микдорда иқтисодий ва ижтимоий натижаларга эришилишини таъминлайди.

Илмий техник тараққиётнинг революцион шакли — бу принципиал янги, аввал қўлланилмаган меҳнат қуроли воситалари, технологияни яратишдир. Баъзан, илмий

техник тараққиётнинг ушбу шаклини илмий техник революция деб ҳам аталади. Афсуски илмий техник тараққиётнинг ушбу шакли эволюцион илмий техник тараққиётга нисбатан охирги йилларда кам сезиларли даражададир.

Илмий техник тараққиёт эвазига шароитларини яхшилланиши ва унинг меъёрида сақланиши атроф-мухитни химоя қилиш, ҳиссани қисқартириш флоҳида ҳолатларда қўл меҳнатидан умуман фойдаланмаслик қурилиш давомийлигини қисқартиришлар эришилади. Илмий техник-тараққиёт асосида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва унумдорлигини ошириш имкониятини беради.

Илмий техник-тараққиётнинг қурилишдаги асосий йўналишлари одатда қуйидагилар ҳисобланади:

- қурилиш ишлаб чиқаришини саноатлаштириш;
- қурилишда янги материаллар ва конструкцияларни яратиш ҳамда қўллаш;
- қурилиш монтаж ишларини механизациялаш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш;
- прогрессив технология ва етакчи усулларни қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилишда қўллаш.

Саноатлаштириш — бу кўпгина ишлаб чиқариш жараёнларини қурилиш майдончаларида завод муҳитига кўчириш демакдир. қурилиш ишлаб чиқаришини саноатлаштиришга типик мисол бўлиб, ўз вақтида ташкил қилинган ва ҳозир ҳам амал қилаётган уй-қурилиш комбинатлари темур-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи заводлар қурилиш конструкцияларини ишлаб чиқарадиган комбинатлар ҳисобланади.

Қурилишнинг саноатлаштириш кўрсаткичлари бўлиб бажарадиган қурилиш монтаж ишлари ёки объект қийматининг умумий ҳажмидаги конструкция ва деатлларнинг қийматининг нисбати бўйича аниқланадиган қурилиш объектларининг жамланганлик даражаси ҳисобланади.

Саноатлаштириш қурилишни фаол ишлаб чиқаришга кетадиган меҳнат сарфини камайтириш ва қурилиш муддатини қисқартириш имконини беради. У шунингдек қурилиш ишлаб чиқаришида техниканинг тутган аҳамиятини кўтаришга ва уни нисбатан монтаж жараёнига айлантиришга хизмат қилади. Саноатлаштириш уй-жой қурилиш соҳасида кенг ривожланган.

Янги материал ва конструкцияларни яратиш ва қўллаш — бу қурилишдаги муҳим илмий техник-тараққиёт йўналишидир. Ҳозирги қурилаётган кўпгина объект ва қурилмалар аввалгиларидан нафақат архитектуравий-режали жиҳатдан фарқ қилади, балки ишлатиладиган материал ва конструкциялар билан фарқ қилади. Улар қаторига пластмасса буюмлари, полиэтилен ёғочлари, сувга чидамли фанералар шишали пластика, керамик буюмлар, иссиқликни изоляция қилувчи акустик ва бошқа материалларни киритиш мумкин. Алоҳида қурилиш-монтаж ишларида замонавий синтетик материаллар, сантехник ва электротехник ишларида тайёр материалларини йиғиш ва эксплуатация қилишда қулай бўлган материаллар кенг қўлланилади. Алуминийдан қилинган конструкциялар ва қурилиш буюмлари яхши кўриниш ва мустаҳкамликка эга бўлади.

Бироқ замонавий қурилиш материаллари ва жиҳозларини яратиш жараёни илмий ишлаб чиқариш изланишларини кучайтириш ва аҳамиятини оширишни талаб қилади. Бунга эришиш учун фан, техника ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ривожланиши бир нуқтада кесишиши керак. Қурилишга тараққий этган чет эл тажрибасидан кенг фойдаланиш зарур.

Иш ва ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш — бу қурилишда техник тараққиётнинг муҳим йўналишидир. Уни амалиётга тадбиқ этиш ишлаб чиқариш жараёнида машина техникаси аҳамиятини кучайтириш йўли билан амалга оширилади ва бунинг натижасида янги машина техникаси аҳамиятини кучайтириш йўли билан амалга оширилади ва бунинг

натijasида янги машина ва механизмларни жорий этиш мавжуд машина паркларини модернизациялаш, шунингдек қуриш ва таъмирлаш ишларини яхшилаш мумкин бўлади.

Илмий техник-тараққиётнинг ушбу йўналишини асосий баҳоловчи кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Иш механизацияси коэффиценти — механизацион йўл билан бажариладиган иш ҳажмининг умумий бажарилган иш ҳажмига нисбати;
- меҳнатнинг механик қуролланганлик коэффиценти — механизацион йўл билан бажарилган иш ҳажмининг умумий бажарилган иш ҳажмига нисбати;
- ишнинг энергетик қуролланганлик коэффиценти — қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар двигателларининг умумий қувватининг йиллик қурилиш монтаж ишлари ҳажмига нисбати. Ушбу кўрсаткич кВт'да ўлчанади.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг ривожланган технология ва усулларини амалиётга тадбиқ этиш қурилиш саноатлаштириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Бу давлатимизнинг шунингдек чет эл тажрибасидаги ютуқларга асосланган бўлади. Унинг асосий мақсади нафақат капитал қурилиш самарадорлиги кўрсаткичларини яхшилаш ва кўтариш, балки қурилиш ишлаб чиқаришини саноатга асосланган даражасини ошириш, меҳнат бир хиллигини баргараф этиш ҳамдир.

Илмий техник-тараққиётнинг қурилишдаги ушбу йўналишининг тахминий акс эттирилиши қуйидагича бўлиши мумкин:

- қурилиш ўзлуксизлигини ривожлантириш;
- объектнинг ва қурилмаларнинг ва қурилмаларни атрофдагилардан чегаралаш;
- катта ўлчам ва габаритдаги металлоконструкция ферма ва қоплаш;
- жихозларининг дастлабки йиғилиши;
- бригадлар тартибини ривожлантириш;
- қурилишнинг алоҳида участкаларида ишни ташкил этишнинг вахта усулидан фойдаланиш;
- пайванд-чилангарликнинг замонавий усулларида фойдаланиш;
- илғор технологияни, объект ва қурилмаларни қуришни “ғилдиракдан”дан монтаж қилиш усули ёрдамида ташкил этиш.

Илмий технологияни амалиётга тадбиқ этиш қурилиш ишлаб чиқаришини янги поғонада (ишни ташкил этишнинг индустриал усуллари талабларига мос равишда) кўтариш имкониятини яратиб беради. Бошқача қилиб айтганда технологик янгиликлар - маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган меҳнат сарфини камайитириш ва қурилиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Хулоса

Курилиш инсон ҳаётида зарур соҳалардан бўлиб, курилиш материалларини ишлаб чиқариш ва уларни халқ ҳўжалигида ишлатишнинг ўзига хос тарихи бор. Бугунги кунда саноат ва уй-жой курилишининг кун сайин ўсиб бориши курилиш материалларига бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида мустақил республикамизни халқ ҳўжалигини ривожланишида курилиш материалларининг аҳамияти жуда катта. Республикамизда курилиш индустриясига ажратилган маблағларнинг қарийиб 60 % курилиш материаллари ишлаб чиқаришга сарфланади. Бу эса курилиш материалларининг курилиш индустриясидаги салмоғи қандай эканлигини яққол кўрсатади. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, курилиш индустриямизни ёғоч ва металл материалларга бўлган эҳтиёжи ортди. Шунинг учун бу материалларни тежаб тергаб фойдаланишни тақозо қиланади.

Ҳозирги маҳаллий шароитда курилишни индустриялаш ва миқёсларини кенгайтириш маҳаллий курилиш хом-ашё материалларини ишлаб чиқаришни умумий ҳажмида тайёр курилиш материаллари улушининг ортишига олиб келади. Заводда юқори даражада тайёр буюмлар ва деталлар кўринишидаги курилиш материалларининг ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилиши меҳнат унумдорлиги ўсишига, нархи арзон бўлишига ва капитал курилиш суратларини тезлаштиришга ёрдам беради.

Маҳаллий шароитдаги курилиш хом-ашё материалларининг хиллари кенг ва турли-туман. Одатдаги хом-ашё материаллар – керамика, табиий ва тош материаллар, шиша ва бошқалар билан бир қаторда ҳозирги курилишда пластмассалардан тайёрланган янги курилиш материалларидан кенг фойдаланилади.

Бино ва иншоотлар куришда биринчи навбатда маҳаллий курилиш материаллари (кум, шағал, оҳак, гипс ва бошқалар) дан фойдаланиш керак, бунда бу материаллар нархининг анча кўп қисмини ташкил қилган транспорт харажатлари қисқаради. Курилиш материаллаини арзонлаштиришда саноат чиқиндиларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Жумладан, Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамиятнинг иқтисодий фаолият кўрсатишидан асосий мақсад фойдага эришиш ва манфаатдорликка эга бўлиш. Шу мақсадда Мурод ўғли Малик масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган курилиш маҳсулотлари бозор талабларига жавоб беради ва аҳоли эҳтиёжини қондириб боришга ҳаракат қилади.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида мавжуд технологиядан узоқ йиллардан буён фойдаланиб келинмоқда. Ушбу корхонадаги технологик регламент Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманидаги “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида лойсимон ва кремнеземли чўкма жинсларидан, пластик усулда шакллантириш ҳамда айланма хумдонда пишириш йўли билан ГОСТ 530-95 талабларига жавоб берувчи тўлиқ жинсли, якка сопол ғишт ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Технологик регламент ишлаб чиқаришда ғишт заводининг ҳақиқатдаги техник шароитлари ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги хусусиятлари ҳисобга олинган.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган ғиштлар эски технология асосида тайёрлангани боис, уларнинг ичида, яъни ҳар ишлаб чиқарилган партида яримталик ғиштлар ҳам учрайди. Бундай яримта бўлиб қолган ғиштлар 5 фоиздан ошмаслиги керак. Истеъмолчиларга яхши пишмаган ва куйдириб юборилган ғишт етказиб беришга йўл қўймаслик лозим. Агар бундай яримта ғиштлар сони ортиб борса, демак технологик жиҳатдан таъмирлаш ишларини олиб бориш мақсадга тўғри келади.

“Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишдаги муаммолар шундан иборатки, бунда технологияни эскирганлиги ва бу технологияни ишлатиш учун қўшимча маблағлар сарфланишидир.

Чунки технологик жараёнларда таъмирлаш ишлари ҳам қўшимча вақтни талаб қилади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнининг чўзилишига олиб келади.

Юқоридаги каби муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- энг аввало ғишт ишлаб чиқарадиган технологияни янгилаш зарур, бу борадаги модернизацияни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир;

- янги технологияни сотиб олишга корхонанинг молиявий маблағлари чекланган. Шунинг учун кредит муассасалари орқали узоқ муддатли кредит олиш имкониятларидан фойдаланиш керак;

- маҳаллий хом-ашё асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кучайтириш мақсадида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш лозим;

- ушбу корхона фаолияти учун зарур бўлган инфратузилма объектларида иқтисодий муносабатларни сифат даражасини ошириш;

Бу таклифларни амалга ошириш учун нафақат “Мурод ўғли Малик” масъулияти чекланган жамиятининг раҳбарияти балки, туман миқёсидаги айрим бошқарув идоралари ҳам ўзларининг хиссаларини қўшишлари зарур. Шундагина маҳаллий асосда хом-ашёдан фойдаланиб қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдаги муаммолар ўз ечимига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Меъёрий ҳужжатлар ва Президент асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2003. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Қонуни –Т.: «Адолат», 1992.
3. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси. –Т.: «Адолат», 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». –Т.: 1998.
5. Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига куришда ягона буюртмачи хизмати тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига 6 –илова
6. «Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ». Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарорига илова
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.// Халқ сўзи, 12 апрел 2005 й.
8. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида НИЗОМ» Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарорига илова
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-620-сонли Фармони // Халқ сўзи, 21 июнь, №118.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
11. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
14. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
15. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
17. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2010.

2. Илмий адабиётлар ва манбалар

18. Абрамов С.И. Организация инвестиционно-строительной деятельности - М.: Центр экономики и маркетинга, 1999
19. Бусыгин А.В. Эффективный менеджмент: Учебник. -М.: Изд-во "Финпресс", 2000.
20. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маъруза матнлари. – Т.: ТДИУ, 2005.
21. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ/№8, Самамарали иқтисодий сиёсат маркази, Иқтисодий ислохотлар Лойиҳаси USAID , -Т.: март 2005.
22. Исаков М.Ю. Экономика капитального строительства. Учебное пособие –Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
23. «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон республикаси Президентининг фармони 06.05.2003 й., № ПФ-3240
24. «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 12.09.2003 й. № 395
25. «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 03.07.2003 й. № 302
26. «Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 24.10.2003 й. n 463
27. Расулов Н.Н. Стимулирование привлечения иностраннўх инвестиций в экономику Узбекистан. –Т.: Фан, 2003.
28. Экономика строительства: Учеб. пособ. для вузов.- Ростов-на-Дону: Феникс, 2003
29. Инвестиционнўе процессў в условиях глобализации.- М.: ТЕИС, 2002
30. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони // Халқ сўзи, 15 июнь.
31. «Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиши 2005 йил 1-чорак асосий яқунлари тўғрисида» // Халқ сўзи, 6 май, №87.
32. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ/ №8, Самамарали иқтисодий сиёсат маркази, Иқтисодий ислохотлар Лойиҳаси USAID , Т.: март 2005.
33. Исаков М.Ю. Экономика капитального строительства. Учебное пособие–Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
34. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии., -Т.: «ФАН». 2000.-130с.
35. Шарифхужаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. -Т.: Меҳнат, 2001.

Статистик манбалар

36. Наманган вилояти статистика бошқармаси томонидан нашр этилган тегишли йиллардаги статистик тўпламлар.
37. «Мурод ўғли Малик» масъулияти чекланган жамиятнинг йиллик ҳисоботлари.

4. Интернет маълумотлари

38. <http://eup.kulichki.com/Catalog/20-400.htm>
39. <http://www.eup.ru/Catalog/20-250.asp>
40. <http://eup.kulichki.ru/Catalog/20-5.htm>
41. <http://ino.uzpac.uz/rus/econom0210.html>